



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

У.Т.Тўлаков, К.О.Холиқов

**«Солиқлар ва солиққа тортиш» фанидан  
мустақил ишларни ташкил этиш**

(услубий қўлланма)

Термиз – 2011



Ушбу услубий қўлланма ноиқтисодий таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларнинг «Солиқлар ва солиққа тортиш» фанини янада чуқурроқ ўрганишлари учун ҳамда уларда мазкур фандан мустақил ишларни тайёрлаш ва расмийлаштириш борасида амалий кўникма ҳосил қилиш мақсадида тайёрланган бўлиб, қўлланмада «Солиқлар ва солиққа тортиш» фани доирасида учрайдиган терминлар, асосий тушунчалар ва тамойиллар ноиқтисодий йўналишлар талабалари учун содда ва равон тилда, тушунарли қилиб, турли чизма ва схемалар ёрдамида келтирилган. Бундан ташқари, ушбу фан бўйича мустақил иш мавзуларини танлаш, унинг таркибий тузилмасини аниқлаш ва расмийлаштириш бўйича амалий-услубий тавсиялар берилган.

### **Такризчилар:**

**Рўзиев О.А.**

И.ф.н., Термиз давлат университети  
Иқтисодиёт факультети декани

**Абсаматов А.Э.**

И.ф.н. Термиз давлат университети «Молия»  
кафедраси мудири



## К И Р И Ш

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да чуқур назарий ва амалий билимлар билан бир қаторда танланган соҳаси бўйича мустақил фаолият кўрсата оладиган, ўз билими ва малакасини мустақил равишда ошириб борадиган, масалага ижодий ёндошган ҳолда муаммоли вазиятларни тўғри аниқлаб, таҳлил қилиб, шароитга тез мослаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланади.

Маълумки, ахборот ва билимлар доираси тез суръатлар билан кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни фақат дарс машғулоти пайтида талабаларга етказиш қийин. Тажрибалар шуни кўрсатадики, талаба мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласагина билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади.


Шунинг учун талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишга ўргатиш, билим олиш йўллари кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш олий таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.<sup>1</sup>

Олий таълим муассасаларида «Солиқлар ва солиққа тортиш» фанининг ноиқтисодий йўналишлар талабларига ўқитилиши муҳим аҳамият касб этади. «Солиқ кодекси»га кўра амалдаги солиқ қонунчиликлари тўғрисида дастлабки билим ва кўникмаларга эга бўлиш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси бош қомуси – мамлакат Конституциясининг 51 ва 123-моддаларида фуқароларнинг бурч ва мажбуриятларидан бири сифатида қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашнинг мажбурийлиги белгилаб қўйилган. Ушбу мажбуриятларни бажариш учун эса ҳар бир фуқаро солиқлар ва солиққа тортиш муносабатларига доир етарли даражада билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари лозим бўлади.

Шунинг учун ҳам олий таълим муассасаларининг иқтисодий йўналишда таҳсил олаётган талабалари билан бир қаторда ноиқтисодий йўналишда таҳсил олаётган талабалар ҳам солиқлар ва солиққа тортиш муносабатларига доир назарий билим ва амалий кўникмаларни эгаллашлари зарур ҳисобланади.


Мазкур услубий қўлланма бакалаврият босқичидаги ноиқтисодий таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга ушбу фандан мустақил ишларни тайёрлаш бўйича тавсиялар характерида эга бўлиш билан биргаликда талабаларга солиқларнинг пайдо бўлиши, солиқ муносабатларининг шаклланиши, уларнинг зарурлиги, иқтисодий моҳияти, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари, Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг ривожланиш босқичлари, солиқ сиёсати, солиқ муносабатларининг ҳуқуқий асослари, солиқ

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14 августдаги 286-сонли буйруғи 1-илоvasи.



уносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида наза  
тушунчалар беришга, солиққа тортиш тартиблари, юридик ва жисмоний шахслар  
тўлайдиган солиқлар ҳамда давлат мақсадли жамғамаларига мажбурий  
ажратмалар ва йиғимларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиблари билан  
боғлиқ назарий ва амалий билим ва кўникмалар соддароқ тилда, тушунарли  
қилиб, турли замонавий усуллардан фойдаланилган ҳолда ёритиб беришга  
ҳаракат қилинган.

Шу сабабли, барча таълим йўналишлари бакалаврият босқичида «Солиқлар ва  
солиққа тортиш» фанини ўрганаётган талабалар учун фанни чуқурроқ ўрганиш ҳамда  
ушбу фандан бериладиган мустақил ишларни тайёрлаш, расмийлаштириш ва  
тақдимотини амалга ошириш масалалари юзасидан мазкур услубий қўлланма  
талабаларга кўмакчи бўлади деб ўйлаймиз.



# Ноиқтисодий таълим йўналишларига “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанидан мустақил иш (реферат)ларни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш бўйича УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

## I. ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Талаба мустақил иши (ТМИ) – муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Ўқишнинг бошланғич босқичларида ТМИни ташкил этиш бир қатор вазифалар билан боғлиқ. Айниқса, биринчи курс талабаларининг олий таълим талабаларига кўникиши қийин кечади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини ташкил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси, улар мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди. Шунинг учун ҳар бир профессор-ўқитувчи дастлаб талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориш лозим бўлади.

Талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шундан мустақил таълимга кўникма бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зурур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанидан ТМИни ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- семинар машғулотларга тайёргарлик кўриб келиш;
- маълум мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
- ҳисоб-китоб ва график ишларини бажариш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш, кроссворд, тест, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш;
- илмий мақола, тезислар ва маъруза тайёрлаш;
- амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш;
- уй вазифаларини бажариш ва бошқалар;

Талабаларга мустақил иш учун бошқа шакллардаги вазифалар ҳам топширилиши мумкин. Топшириқлар пухта ўйлаб чиқилган ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, талабаларнинг аудитория машғулотларида олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тўлдиришга хизмат қилади.

### I. МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ

Фаннинг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб ишчи ўқув дастурига киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда



ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва беришга хизмат қиладиган таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қилишга хизмат қиладиган саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбаларини кўрсатиш лозим.

Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда ўқув адабиётларидан фойдаланиб, ушбу мавзуни конспектлаштирадilar, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, адабиётлар етишмаса, мавзуни тизимли баён эта олмаса ва ҳ.к.) ўқитувчидан маслаҳатлар оладилар.

Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн кафедрада ҳимоя қилинади.

## II. РЕФЕРАТ ТАЙЁРЛАШ

Ноқитисодий таълим йўналишларга “Солиқ ва солиққа тортиш” фанидан унинг талабага қийинчилик даражаси, унинг шахсий имкониятлари, қобилияти ва билим даражасига мувофиқ бўлган бирор мавзу бўйича реферат тайёрлаш топширилади. Бунда талаба асосий адабиётлардан ташқари кўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғади, таҳлил қилади, тизимга солади ва мавзу бўйича имкон даражасида тўлиқ, кенг маълумот беришга ҳаракат қилади. Зарур ҳолларда ўқитувчидан маслаҳат ва кўрсатмалар олади.

Яқунланган реферат кафедрада экспертлар иштирокида ҳимоя қилинади.

### 3.1. Мустақил иш (реферат) мавзуларини танлаш

Мустақил ишни талаба томонидан муваффақиятли бажарилиши ва уни ҳимоя қилишда энг муҳим масалалардан бири мустақил иш мавзусини тўғри танлашдир.

Мустақил ишнинг мавзулари (*1-илова*) фаннинг ўқув вазифасига жавоб бериши билан бир қаторда мазкур фаннинг долзарб муаммолари билан боғлиқ бўлиши лозим. Мустақил иш мавзуларининг амалийлиги бу авваламбор уларнинг илмийлиги, замонавийлиги ва талабаларда мустақил ижодий ишга кўникмани шакллантиришга йўналтирилганлигидир. Мустақил ишнинг ҳар бир топшириғини бажаришда ижодий ёндошиш зарур. Мустақил ишнинг топшириқлари шахсийлаштирилган бўлиб, умумий талаблар пасайтирилмаган ҳолда талабанинг қизиқиши ва қобилиятлари билан боғланган бўлиши лозим.

Мустақил ишнинг мазмуни сифатида мавзунинг асосланган ечимларини ишлаб чиқиш, маълумотларни иқтисодий таҳлил қилиш ҳамда зарурий ҳисоб-китобларни расмийлаштириш олиниши мумкин.

Мустақил ишнинг мавзусига бўлган асосий талаблардан бири бу унинг яхлит мажмуали бўлишидир, яъни бир қатор ўзаро боғлиқ бўлган масалаларни биргаликда ечишга бағишланганлигидир.

Талабаларга мустақил иш мавзуларини танлаш ҳуқуқи берилади. Мазкур услубий-қўлланмада берилган намунавий мавзулардан ташқари талаба ўзи ёқтирган йўналиш бўйича фанга алоқадор бошқа мавзу таклифи билан чиқиши ёхуд талаба зарурий асослар билан мустақил иш мавзусида бўладиган ўзгартиришларни фан ўқитувчиси билан келишилган ҳолда таклиф этиш мумкин.

### 3.2. Мустақил иш (реферат)нинг таркибий тузилиши



Фан бўйича мустақил иш мазмуни унинг мавзусидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Мустақил иш молиявий-иқтисодий кўрсаткичлардан, уларнинг таҳлил шакллари, жадваллар, графиклар, чизмалардан ташкил топиши лозим.

Жадваллар, графиклар, диаграммалар ва чизмалар аниқ, равшан ва ихчам бўлиши лозим. Шунингдек, олинган кўрсаткичлар, рақамлар ва статистик маълумотларнинг манбалари кўрсатилган бўлиши шарт.

Жадваллар, графиклар, диаграммалар ва чизмалар зарур бўлган ўлчамлар, шартли белгилар ва махсус рўйхат билан қўлёзма шаклида ёки махсус компьютер дастурлари ёрдамида бажарилиши мумкин.

Мустақил иш режаси (*3-илова*) мураккаб режа бўлиши шарт эмас, балки оддий режадан иборат бўлиши тавсия қилинади. Мураккаб режа тузишни хоҳловчилар эса уни қуйидаги кетма-кетликда тузишлари мумкин:

- кириш қисми;
- асосий қисм (3-4 та савол);
- хулоса ва таклифлар;
- фойдаланилган адабиётлар;
- иловалар.

Оддий режа тузишни хоҳловчилар эса уни қуйидаги кетма-кетликда тузишлари мумкин:

- Асосий қисм (3-4 та савол);
- хулоса ва таклифлар;
- фойдаланилган адабиётлар;
- иловалар.

Мустақил ишнинг сифатли ва хато-камчиликлардан холи бўлиши учун талаба мустақил иш режасини тузган ҳолда уни фан ўқитувчиси эътиборига тақдим этиши тавсия этилади. Талаба мустақил ишнинг режасини тузиши учун, аввало мавзуга оид тегишли адабиёт ва маълумотларни тўплаб, уларни ўрганиб чиқиши керак. Фан ўқитувчиси мустақил ишнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, лозим бўлган ҳолда унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб бериши мумкин. Мустақил иш режасини тузиш ниҳоясига етгач у фан ўқитувчиси томонидан тасдиқланади.


Мустақил ишни расмийлаштиришда танланган мавзунинг иқтисодий аҳамияти, ёритилаётган мавзунинг бугунги кундаги ҳолати, назарий-амалий томонлари умумлаштирилган ҳолда берилиши, шунингдек, мавзунинг бевосита амалиёт билан боғлиқ бўлган барча маълумотлар ва статистик далиллар таҳлил қилинган ҳолда ёритилиши тавсия қилинади.

Мустақил иш талаба томонидан мустақил ҳолда мантиқий жиҳатдан ижодий тарзда ёзилиши лозим. Иқтисодий адабиётлар, ўқув қўлланмалар, маърузалар, интернет сайтларидан тўғридан-тўғри кўчириб ёзиш ҳолатларига йўл қўйилмайди.

### **3.3. Мустақил иш (реферат)ларни расмийлаштириш**

Мустақил ишни расмийлаштиришда: титул varaғини ёзиш, мундарижани келтириш, фойдаланилган адабиётларни кўрсатиш, жадвалларни тўғри тузиш, графикларни (диаграммаларни) чизиш, қисқартиришлардан фойдаланиш каби ишларни билишга тўғри келади.

Мустақил ишни бажариш жараёнида тўпланган ва қайта ишланган маълумотлар аниқ, тартибли ва ҳаққоний бўлиши зарур. Маълумот ва фикрлар баёни мантиқий кетма-кетликда, жумлалар қисқа ва аниқ бўлиши, мавҳумлик ва такрорланишлар бўлмаслиги керак.



Мустақил ишнинг бетларидаги матннинг чап томонидан 30 мм, юқори томонидан 15 мм, ўнг томони 15 мм, қуйи томони 25 мм бўш қолдирилиши тавсия этилади.

Мустақил ишнинг ҳажми қўлёзмада 15-17 бет ёки компьютерда 12-13 саҳифадан иборат ҳолда WORD дастури ёрдамида «times new roman» 14 шрифтида, 1,5 интервалда А-4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонига ёзиш тавсия этилади.

**Титул варағи** (сарварақ) (2-илова) биринчи бет бўлиб, унга рақам қўйилмайди.

Мустақил иш тузилмасини **мундарижа** (4-илова) тўлиқ акс эттиради. Шунинг учун мундарижада барча сарлавҳалар ҳамда бетлари қўйилиши лозим. Уни титул варағидан сўнг иккинчи бетга жойлаштирилади. Бетларни кўрсатувчи тартиб рақами бетнинг қуйи томонининг ўртасига қўйилади.

**Параграфлар** араб рақамлари билан белгиланиб, ундан сўнг нукта қўйилади. Масалан, «2.». Сарлавҳаларни ёзишда бўғин қўчирилмайди ва унинг охирига нукта қўйилмайди. Бордию параграфлар ичида бандлар бўлса, у ҳолда «2.1.» кўринишда белгиланади. Сарлавҳадан кейин келадиган матн ораси 3-4 интервал бўлиши тавсия этилади.

**Рақамли маълумотлар** жадвал кўринишида компьютер имкониятидан фойдаланиб, расмийлаштирилиш керак.

Ҳар бир жадвал сарлавҳага эга бўлиши ва у бош ҳарф билан бошланиши керак.

Жадвал ичидаги сарлавҳалар бош ҳарф билан, сарлавҳачалар кичик ҳарфлар билан бошланиши керак. Сатрлар баландлиги 8 мм дан кам бўлмаслиги лозим. Агар мустақил ишда бир дона жадвал бўлса, у рақамланмайди ва жадвал сўзи ёзилади.

**Сурат** (график, чизма, диаграмма, фотосурат)лар “расм” сўзи билан белгиланиб, параграф бўйича келтирилган сурат рақамидан иборат бўлиб, параграф учун кетма-кет араб рақами билан берилиши лозим, масалан, «1.2-расм» ва унга изоҳ берувчи ёзувдан пастга ёзилади.

Матнда унга берилган изоҳ расмдан олдин туриши керак.

Илова қисмига бериладиган ҳар бир илова маълумотлари алоҳида берилади ва А-4 форматли қоғознинг ўнг юқори бурчагида “Илова” сўзи билан бошланади. Масалан 1-илова, 2-илова ва ҳоказо.

### **3.4. Мустақил ишда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини расмийлаштириш тартиби**


Матндаги манбаларга иқтибослар (сноска) матндаги сўзнинг ўнг томони устига араб рақами билан белгиланиб кўрсатилади ва шу бетнинг пастки қисмида ва мустақил ишда қабул қилинган тартиб асосида берилади.

Унда келтирилган китоб аввало муаллифи сўнгра китоб номи, нашр қилинган шаҳар, нашр номи, у нашр қилинган йил ва фойдаланилган бетлари, журнал номи, унинг рақами, сони, йили ва бети кетма-кетлигида кўрсатилиши тавсия этилади.

### **3.5. Мустақил иш ҳимояси**

Мустақил ишнинг сифати ва уни бажаришдаги талабанинг фаоллиги, билим ва қўникмаларини баҳолашнинг ўзига хос шакллари билан бири мустақил иш ҳимоясидир.

Ёзиб тугалланган ва раҳбар томонидан маъқулланган, муқоваланган мустақил иш режада белгиланган муддатда кафедрага топширилади. Агар мустақил иш талаб даражасида бўлмаса, яъни мазмуний саёзлик, мавзуни тўла ёрита олмаслик, кўчирмакашлик ва такрорлашлар кўп бўлса, мустақил иш қайта ишланиб, талаб даражасига етгунга қадар ҳимояга тавсия этилмайди.



Мустақил иш ҳимояси дарсдан ташқари вақтда фан ўқитувчиси томонидан белгиланган вақтда ўтказилади. Ҳимоя талаба томонидан бажарилган мустақил иш бўйича 5-6 дақиқалик маъруза ва савол-жавобдан иборат бўлади. Талабалар томонидан мустақил ишни ҳимоя қилишда замонавий ахборот-технологиялардан фойдаланилган ҳолда (Power point дастури ёрдамида) тақдимотни амалга ошириш тавсия этилади. Маърузада ишнинг моҳиятини талаба ҳар томонлама ёритиб бериши керак. Саволлар фан ўқитувчиси томонидан ёки ҳимояда кафедра профессор-ўқитувчилари қатнашаётган бўлсалар улар томонидан берилади.

#### **IV. КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАР ТАЙЁРЛАШ**

Хоҳловчи талабалар муайян мавзуни баён қилиш ва яхшироқ ўзлаштириш учун ёрдам берадиган кўرғазмали материаллар (жадваллар, чизмалар, расмлар, хариталар, графиклар ва ҳ.к.) тайёрлаш топширилади. Мавзу ўқитувчи томонидан аниқланиб, талабага маълум кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилади. Кўрғазмали воситаларнинг миқдори, шакли ва мазмуни талаба томонидан мустақил танланади. Бундай вазифани бир мавзу бўйича бир неча талабага топшириш ҳам мумкин. Талаба кўрғазмали материаллардан фойдаланиш бўйича ёзма равишда тавсиялар тайёрлайди ва кафедрада ҳимоя қилади.

#### **V. МАВЗУ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР, МУНОЗАРАЛИ САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР ТАЙЁРЛАШ**

Талабага муайян мавзу бўйича тестлар, қийинчилик даражаси ҳар хил бўлган масалалар ва топшириқлар, мунозарага асос бўладиган саволлар, красворд (5-илова) тузиш, турли манбалар асосида солиққа оид қизиқарли материаллар тайёрлаш (6-илова) топширилади.

Бунда ўқитувчи томонидан талабага тестга қўйиладиган талаблар уни тузиш қонун-қоидалар, қандай мақсад кўзда тутилаётганлиги, турли саволлар тузишда мавзунинг мунозарали моментларини қандай қилиш лозимлиги, топшириқларни тузиш усуллари бўйича йўл-йўриқлар берилади. Консультация пайтларида бажарилган ишларнинг қўйилганлиги ва талабларга жавоб бериш даражаси назорат қилинади (қайта ишланиши, аниқлаштириш ёки тўлдириш таклиф этилиши мумкин).

#### **VI. ИЛМИЙ МАҚОЛА, ТЕЗИСЛАР ВА МАЪРУЗАЛАР ТАЙЁРЛАШ**

Талаба бирон бир мавзу бўйича (мавзуни талабанинг ўзи танлаши ҳам мумкин) (рефератив) характерда мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш топшириши мумкин. Бунда талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбалардан мавзуга тегишли материаллар тўплайди, таҳлил қилишга зарурларини ажратиб олиб, тартибга солади, шахсий тажрибаси ва билими, илмий натижаларига асосланган ҳолда қўшимчалар, изоҳлар киритади, ўз нуқтаи-назарини баён этади ва асослайди. Бунда талаба ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлайди. Тайёрланган мақола, тезис ёки маъруза кафедрада ҳимоя қилинади.

#### **VII. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШНИ БАҲОЛАШ**

ТМИ натижалари амалдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом”га асосан баҳолаб борилади.

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг рейтинг ишланмасига мувофиқ мазкур фандан мустақил иш **17 баллик** тизимда қуйидагича баҳоланади:



- Мустақил иш (реферат)да мавзу тўлиқ ёритиб берилган, тўғри ху- чиқарилган ва ижодий фикрлар бўлса, **15–17 ball**
- Мавзу моҳияти ёритилган, аммо маълум бир хато ва камчиликларга йўл қўйилган бўлса, **12–14 ball**
- Мавзу моҳияти умумий ёритилган, аммо кўплаб камчиликларга йўл қўйилган бўлса, **9–12 ball**
- Мавзу моҳияти тўлиқ ёритилмаган, шунингдек кўплаб камчиликларга йўл қўйилган бўлса, **4-8 ball**
- Мавзу моҳияти нотўғри ёритилган ёки умуман мустақил иш тайёрланмаган, шунингдек мустақил ишда фикрлар нотўғри келтирилган бўлса, **0-3 ball.**



## **VIII. МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА НАМУНАВИЙ МАВЗУЛАР ВА ШАКЛЛАР**

**1-илова**

### **8.1. Ноиқтисодий таълим йўналишларига «Солиқлар ва солиққа тортиш» фанидан тавсия этиладиган \***

#### **МУСТАҚИЛ ИШ (РЕФЕРАТ) МАВЗУЛАРИ**

1. «Солиқлар ва солиққа тортиш» фанининг предмети, вазифалари ва ўрганиш усуллари.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркибида солиқларнинг тутган ўрни ва аҳамияти.
3. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг таракқий этган давлатлар солиқ тизими билан солиштирма таҳлили.
4. Ўзбекистон Республикасида умумдавлат солиқларининг амал қилиш механизми.
5. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг амал қилиш механизми.
6. Юридик шахслардан ундириладиган умумдавлат солиқлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
7. Жисмоний шахслардан ундириладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳамда уларни такомиллаштириш.
8. Солиқ амалиётида молиявий жазо чораларининг қўллаш тартиблари.
9. Юридик шахслардан олинадиган эгри солиқлар ва уларнинг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига таъсири.
10. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
11. Юридик шахслар тўлайдиган солиқларга умумий тавсифнома.
12. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларга умумий тавсифнома.
13. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва унинг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига таъсири.
14. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва уни ундириш тартиби.
15. Солиққа тортиш жараёнида декларациялаш усули, унинг ўзига хос хусусиятлари.
16. Жисмоний шахслар мол-мулкига олинадиган солиқнинг ўзига хос хусусиятлари.
17. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
18. Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи ва унинг солиқ тизимида тутган ўрни.
19. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи ва унинг солиқ тизимида тутган ўрни.
20. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва уни ундириш тартибини такомиллаштириш.
21. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ундириш тартибини такомиллаштириш.
22. Акциз ости товарларини белгилаш ва уларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.
23. Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғини жорий қилишнинг иқтисодий сабабалари.
24. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатга олиш йиғими ва уни ҳисоблаш жараёни.
25. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаш ҳамда тўлаш тартиби.



26. Жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларидан бензин, дизель ёқилғиси суюлтирилган газ ишлатганлик учун солиқни ҳисоблаш тартиби.
27. Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш, унинг ўзига хос хусусиятлари.
28. Юридик шахслардан олинадиган ресурс солиқлари ва уларнинг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига таъсири.
29. Ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари.
30. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш тартиби.
31. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш тартиби.
32. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш тартиби.
33. Кичик бизнесни ривожлантиришда ягона солиқ тўловининг аҳамияти.
34. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.
35. Ягона ер солиғини тўловчилари, ставкалари, ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.

\*) Талабалар ушбу тавсия этилган мавзулардан ташқари, “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанига тааллуқли ўзлари танлайдиган мавзу бўйича ҳам мустақил иш (реферат) тайёрлашлари мумкин.



2-илова

## 8.2. МУСТАҚИЛ ИШ ТИТУЛИНИНГ НАМУНАВИЙ ШАКЛИ:

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ  
«Молия» кафедраси

«Молия» таълим йўналиши 3-курс 307-гурух талабаси  
ҲАМИДОВА СИТОРАнинг

«СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ» фанидан

«Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва уни ундириш  
тартиби»  
мавзусидаги

## МУСТАҚИЛ ИШИ

Илмий раҳбар: ўқит. Р.Мирзаев



**3-илова**

**8.3. МУСТАҚИЛ ИШИНИНГ НАМУНАВИЙ РЕЖАСИ:**

---

**МАВЗУ: Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи  
ва уни ундириш тартиби**

**Режа:**

1.

.....;

2.

.....;

3.

.....;

4.

.....;

**Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**



## 8.4. МУСТАҚИЛ ИШ МУНДАРИЖАСИ НАМУНАВИЙ ШАКЛИ:


---

### Мундарижа:

1. Жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари .....	3
2. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига таъсири .....	7
3. Ўзбекистон Республикасида инқирозни юмшатишга асос бўлган омиллар таҳлили .....	9
4. Жаҳон молиявий инқирозига қарши қабул қилинган чора-тадбирлар дастурининг аҳамияти .....	11
<b>Хулоса ва таклифлар .....</b>	<b>15</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>16</b>



8.5. КРОССВОРД



**Энига:** 1. Мақсадсиз жамғармаларнинг манбаи. 2. Мол-мулк солиғига тортиладиган объектлардан бири. 3. Товар (иш, хизматлар) олди-сотди қилинадиган ҳудуд. 4. Юридик шахс мақоми шартларидан бири. 5. Солиқ ундириш учун белгиланадиган меъёр. 6. Мамлакатимизда 183 кундан кам муддат яшаган шахс. 7. Назорат ўтказиш шаклларида бири. 8. Иқтисодий моҳиятига кўра солиқлар табақалаштирилган гуруҳ. 9. Солиқларни ўз вақтида йиғиш учун белгиланадиган чегара. 11. Мамлакатимиз ҳудудига кириб келаётган ёки чиқиб кетаётган товарларга нисбатан белгиланадиган тўлов тури.

**Бўйича:** 12. Белгиланган солиқларни тўловчилар ва ундириувчилар таркиби. 13. Солиқларнинг тўғри ҳисобланганлигини тасдиқлаган белгиси. 14. Ставкалари ошириб борилаётган солиқлар туркуми. 15. Кичик бизнес субъекти шаклларида бири. 16. Товар (иш, хизматлар) сотишда тузиладиган меъёрий



ужжат. 17. Солиқ тушунчасини кенгроқ ифодаловчи сўзлар мажмуаси. 18. Ёташкитотларининг солиққа тортиладиган объекти.

6-илова

## 8.6. ҒАРОЙИБ СОЛИҚЛАР

*Барча даврларда исталган давлатнинг солиқ стратегиясида бюджет учун иложи борича кўп пул йиғиш кўзланган. Ўз мамлакатларининг доимий молиявий қийинчиликларини ҳисобга олиб, амалдорлар тез бўшаб қолаётган хазинани тўлдириш учун турли важларни ўйлаб топишга мажбур бўлардилар. Аввал-бошда солиқлар бир тизимга солинмаган тўловлар кўринишида бўлиб, улар давлатнинг аниқ эҳтиёжларидан келиб чиқиб ундирилган. Гарчи ҳозирга қадар дунёда кўпдан-кўп солиқлар бўлса-да, бироқ уларнинг ҳаммасини ҳам мантиқли ва асосланган деб бўлмайди.*

- Пётр I ҳаммом солиғини ўйлаб топган. 1704 йилги фармонга кўра маҳкама ходимлари ва биринчи даражали савдогарлар уй ҳаммомларидан 3 рублдан, оддий дворянлар, савдогарлар ва турли хил тоифага мансуб кишилар 1 рублдан, деҳқонлар 15 тийиндан тўлашлари керак эди. "Солиқни тўла ёки ювинма" қоидаси амал қила бошлади.

- Эрамизнинг 70-йилларида ҳукм сурган Рим императори Веспасиан ҳожатхона солиғини жорий қилди. Айни шу вақтдан бошлаб "пулнинг ҳиди йўқ" ибораси мавжуд деган фикр бор. Веспасианнинг ўғли жамоат ҳожатхоналарига солиқ жорий этганлиги учун отасига таъна қилганида, император ана шу солиқдан келиб тушган пулни унинг бурнига яқин келтирган экан. Афсуски, римликлар ҳашаматли мармар ҳожатхоналардан фойдаланиш хузуридан воз кеча олмас эдилар, зеро у ерга, худди машхур термалар сингари, нафақат табиий эҳтиёжлар бўйича, балки учрашувлар ўтказиш ва суҳбат қуриш учун ҳам борганлар.

- XX аср бошида Олтой ўлкасида (*Россия*) музлаган дарёни тешиб, сувда ичкийимларни чайганлик учун солиқ мавжуд эди - бунинг учун ҳар кишида 20 тийин олинарди. Шунингдек обкаш кўтариб сувга ҳар гал борганлик учун 2 тийиндан олишган. (*Қизик, бунда солиқ тўловчиларни қандай қилиб қузатиб боришган экан?*)

- Вюртембергда (*Германия*) XVIII асрда чумчуқ солиғи олинган. Ҳар бир уй соҳибини ўн иккита чумчукни йўқ қилишга мажбур этишган, бунинг учун у 6 крейцер олган. Агар кимдир бундай мажбуриятни бажара олмаса, ундан 12 крейцер солиқ олинган. Ушбу солиқни тўлашдан бўйин товлаш учун аҳоли ўлик чумчуқларнинг зарур миқдорини яширин ишловчи савдогарлардан сотиб олган, улар эса чумчуқларни шаҳар ахлатхонасидан йиғиб келишган.

- Россиянинг Кемерово шаҳрида 2000 йилда зарарқунандаларга қарши курашга турар жой майдонининг ҳар квадрат метридан 5 копейкадан солиқ ундиришга қарор қилишган.

- Энг қадимий ва аҳолига азият келтирувчи солиқлардан бири туз солиғидир. Хитойда у эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликда жорий этилган. Ушбу солиқ Рим консули Ливийга... Иккинчи Пуни уруши (*эр. ав.*



18 - 202 йиллар - Ўрта денгиз сохилларида ҳукмрон бўлиш учун Рим Карфаген бошчилик қилган икки коалиция ўртасидаги ҳарбий ихтилоф ҳаражатларини қоплаш имконини берди. Ҳиндистонда эса британияликлар ушбу солиқ ставкасини товар қийматининг 4 000 (!) фоизига қадар етказганлар.

- Шарқлик пошшолардан бири эса аҳолидан... ўз тишларининг **чириганлиги учун солиқ** олган. Шу тарзда у тишларига сифатсиз маҳаллий овқатлар етказган зарарни компенсациялаган.

- XVIII аср бошларида Бошқирдистон маъмурлари **кўз солиғини** жорий этганлар. Унинг суммаси кўзнинг рангига боғлиқ эди: кул ранг кўзлар 8 алтинга (*қадимда алтин 3 копейкага тенг эди*), қора кўзлар эса 2-3 алтинга баҳоланган.


- 1926 йил кузида ўз армиясини сақлаб туриш учун далай-лама Тибетда **қулоқ солиғини** жорий этган. Жангда бир қулоғидан ажраганлар биринчи марта ўзларини бахтиёр деб ҳис этишган - улар сумманинг ярминигина тўлашлари керак эди.

- **Соқол учун солиқни** 1689 йилнинг 1 сентябрида Пётр I жорий этган. Дворян ёки гумашта, оддий савдогарнинг соқоли 60 рубль, савдогарники 100 рубль "турган". Қароллар 30 рублдан тўлашган. Дехқон ўз кишлоғида пул тўламай соқол қўйиши мумкин эди. Бироқ шаҳарга кирганида ҳам, ундан чиқишда ҳам соқол учун 1 тийиндан тўларди.

*Бундай воқеалар Европа тарихида ҳам бўлган. Чунончи, XVI асрда Англиянинг баъзи клублари махсус устама - ҳар бир соқолдан 12 пенс жорий этдилар, уни овқатланаётган соқолдор мижозлар тўлашган. Францияда ўша асрнинг 30-йилларида соқолдорларни судларнинг мажлислар залларига киритишмаган, айбланувчига эса то соқолини қиртишламагунча адвокат билан учрашишига рухсат беришмаган. Американинг Массачусетс штатида 1830 йили қабул қилинган қонунга кўра соқолни қиртишламаганлик учун қамоқхонага қамаш жазоси белгиланган.*

- 2010 йил январдан бошлаб **Ереваннинг барча жамоаларида** уй ҳайвонларини боқишга маҳаллий йиғим амал қиляпти. Уй ҳайвонларини боқишга рухсат олиш йиғимининг миқдори бир йилга 5 минг драми (*13 АҚШ долларига яқин, 2010 йил 6 майдаги курс бўйича 1 доллар = 386,53 драм*) ташкил қилади. 2009 йилгача йиғим шаҳардаги 12 жамоадан 3 тасида амал қилган, кейинроқ Оксоқоллар кенгаши йиғимни бутун пойтахтга жорий этди. Шаҳар маъмурлари жамоалар бюджетини ит ва мушуклар эгалари ҳисобига 1 млн драмга (*2,5 минг доллардан кўп*) тўлдиришни ўйлаган эдилар. 2010 йилнинг I ярмида уй ҳайвонларини боқаётган барча фуқароларни рўйхатдан ўтказиш режалаштириляпти, вазият таҳлил қилинган уларнинг баъзилари ушбу йиғимни тўлашдан озод қилинади.

- **Пекинда** 1995 йил январидан шаҳарнинг 8 та марказий туманида итлар сонига чеклов жорий қилинган, уларнинг эгаларидан ундириладиган солиқ эса дастлабки рўйхатдан ўтказишда 5 минг юангача (*тахминан 735 АҚШ доллари, 2010 йил 4 майдаги курс бўйича 1 доллар = 5,82 юань*) оширилди. Бундан ташқари, пойтахтдаги ит ишқибозлари ҳар йили 2 минг юань миқдорида йиғим тўлашлари керак.



- 1994 йилдан бошлаб **япон** ит ишқибозлари уйларида ит боқиш ҳуқуқи учун кўпроқ ҳақ тўлай бошлайдилар. Ҳукумат маҳаллий ҳокимият органларига барча ит эгалари тўлашлари шарт бўлган солиқни оширишга қарор қилди. Итнинг зотидан қатъи назар унинг эгаси энди ҳар йили 2 200 иенадан (*тахминан 24 АҚШ доллари, 2010 йил 4 майда 1 доллар = 93,90 иена*) - аввалгидан 100 иена кўп тўлаши керак бўлади.

- Ит солиғи Европадаги кўп мамлакатларда мавжуд. **Швецияда** унинг миқдори итнинг бўйига, **Норвегияда** эса узунлигига боғлиқ. Шу боис шведлар пакана итларни, норвеглар узун панжали итларни афзал кўришади.

*Энг ғаройиб солиқлар сони бўйича етакчилик Тибетга тегишли. XIX-XX асрлар чегарасида бу ерда аҳолини нималарни тўлашга мажбур этишмади: фуқаролар тўй қилганлик, болалар туғилганлиги, куйлаш, рақс тушиш, кўнғироқ ва дўмбира чалиш учун пул тўлашлари керак эди. Ҳориган йўловчи шунчаки ўтлоқда дам олишига йўл қўйилмасди - тунаш учун у ер эгаларига солиқ тўлаши керак эди. Давлат фойдасига ўшанда жами 1 892 та солиқ ундирилди!*

*Ўз рейтингларидан бирида Англиянинг The Times газетаси энг беўхшов солиқ қонунлари сирасига Буюк Британияда 2006 йили қабул қилинган Солиқлардан бўйин товлашнинг олдини олиш бўйича кодексни киритди. Газета, хусусан, кодексдан бир парча чоп этди, унда айтилишича: “англияликларга солиқ инспекторига улар унга етказишни хоҳламайдиган ҳар қандай ахборотни хабар қилмаслик тақиқланади, ҳолбуки улар унга хабар қилишга қарши бўлмаган ахборотни хабар қилишга мажбур эмаслар”.*

- Англияда 1797 йилда соат солиғи жорий этилган. Барча соат соҳиблари ҳар йили хазинага 5 шиллинг тўлашган. У 1798 йили молиявий жихатдан асосланмаганлиги боис бекор қилинган.

- 1910 йил мартда Симбирск (*Россия*) шаҳар думасининг қарори билан велосипед эгалари шаҳарга 50 тийин - кўчаларда велосипедда юриш ҳуқуқига солиқ тўлашлари белгиланди. Солиқ тўлаганларга велосипедда юриш қоидалари баён этилган китобча берилган.

- Ўрта асрларда Голландияда **дераза солиғи** тўланган. Шу боис Амстердамдаги қадимий уйларнинг фасадлари жуда тор.


- 1993 йилдан бошлаб Венецияда (*Италия*) соя солиғи ундириляпти. Дўкон ва кафеларга тегишли бўлган бостирма ва соябонларга солиқ солиняпти, зеро уларнинг сояси коммунал мулк - ерга тушади. Натижада бостирмалар сони анча камайди.

*Дарвоқе, Византияда ҳаво солиғи ҳам тўланган, унинг миқдори бинонинг ўлчамига боғлиқ эди.*

- Балеар ороллари (*Испания*) келувчи сайёҳлар қуёш солиғини тўлашлари керак эди. Ҳар бир куни учун ҳар битта дам олувчи 1 евро тўлаши шарт. Ана шу пуллар эвазига маъмурлар пляждаги ахлатларни йиғиштириш мажбуриятини олганлар.

- Женева ва Цюрих аэропортларида (*Швейцария*) 1980 йил ноябридан бошлаб - деярли 30 йилдан буён ҳар бир самолётдан 200 АҚШ доллари гача миқдорда **шовқин учун солиқ** ундирилади.

- АҚШда **чойчақа солиғи** мавжуд. Чойчақалар суммаси анча юқори, масалан, Лас-Вегас сартарошхоналарида у тушум суммасининг 22%ига қадар



ади (хизмат кўрсатиш соҳасида чойчақалар ўртача олганда тўлиқ суммасининг 7,5%ини ташкил этади). АҚШ конунчилигига мувофиқ солиқ тўловчи оладиган чойчақалар декларацияланиши керак, улар даромадга киритилади ва солиқ солинади. Иш берувчи ходимдан чойчақа солиғи: даромад солиғи ва суғурта фондига бадаллар ушлаб қолиши шарт. Чойчақалар Ишсизлик бўйича нафақалар федерал жамғармасига бадаллар тўланганида ҳам ҳисобга олинади.

- XVIII асрда Ява оролида (Индонезия) **порага солиқ** жорий этилган. Гап шундаки, порахўрлик ўша вақтда ғоятда кучайиб кетган эди. Кичик савдогар уни маоши... 40 гульден бўлган лавозимга тайинлашлари учун 3 500 гульден тўлаган (*расмий тарзда!*).

- 1996 йил ёзида Хитойдаги Тяньцзинь порт шаҳри маъмурлари **фуқаролик никоҳига солиқ** жорий этдилар: никоҳ гувоҳномасисиз эр-хотин бўлиб яшаш ҳуқуқбузарларга бир йилда 1 000 юанга (*145 доллардан кўпроқ*) тушади.

- Собиқ СССРдаги энг машҳур солиқ - **боласизлик солиғи**. У 1941 йилда кўп болали оналарга ёрдам кўрсатиш учун кўшимча маблағларни сафарбар этиш мақсадида жорий этилган. Тарихда ҳеч бўлмаган, фақат СССР ҳамда Мўғулистонда мавжуд бўлган.

- Болгарияда **ахлатга солиқ** мавжуд. Унинг миқдорини маҳаллий маъмурлар бинонинг баланс қийматида мутаносиб равишда ёки чиқиндиларнинг миқдorigа боғлиқ ҳолда белгилайдилар. Ўрта ҳисобда ставка бино қийматининг 0,3-0,5%ига етади. Бутун сумма кўчмас мол-мулк солиғи билан бир вақтда тўланади.

- Венада 1 килограмм ахлатни йиғиш, ташиш ва қайта ишлаш деярли 3 шиллингга тушади (*қайта ҳисоб-китоб қилиш курси: 1 евро = 13,7603 Австрия шиллинги*). Шу сабабли ҳар бир австриялик миқдори қатъий белгиланмаган "ахлат" солиғи тўлайди. Ахлат ҳажми қисқарса - солиқ пасаяди.

- Австрияда тоғда чанғи учувчилар тоғдан ҳар бир тушишда "гипс" солиғи тўлайдилар. Олинган маблағлар Австрия клиникаларига топширилади. Статистикага кўра, Австрия Альпида ҳар йили 150 мингга яқин чанғи учувчи жароҳат олади ва уларни даволашга йилига 70 мингга яқин евро сарфланади.

*Интернет тармоғи материалларидан.*



## **IX. “СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ” ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР**

### **1-МАВЗУ: “СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Режа:**

- 1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти, хусусиятлари ва объектив зарурлиги.**
- 2. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг вазифалари ва функциялари.**
- 3. Давлат бюджети даромадларининг асосий манбалари**
- 4. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари ва Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигининг принциплари.**

**Таянч иборалар: молия, солиқ, тамойил, солиқ элементи, бюджет, фискал.**

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанида солиқларнинг назарий ва амалий масалалари, яъни солиқларнинг иқтисодий моҳияти, хусусиятлари, уларнинг объектив зарурлиги, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, республикада солиқ қонунчилигида мавжуд бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тартиби, юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш назарияси ва амалиёти атрафлича ёритиб берилган.

Республикада давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобига шакллантириладиган ҳозирги шароитда мазкур курсни ўқитишнинг зарурати тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, мазкур курсда солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар назарий ва амалий жиҳатдан умумлаштирилган ҳолда ёритиб берилган. Курснинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.


“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанини ўқитишдан мақсад талабалар онгида солиқлар тўғрисидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш, солиқ тўловчи субъектлардан ундириладиган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг ҳуқуқий асосларини, улар орқали шакллантирилган давлат бюджети даромадларидан самарали фойдаланиш йўналишлари бўйича билимларни ҳосил қилиш ҳисобланади. Мазкур мақсаддан келиб чиқиб, курснинг вазифалари белгиланган ( 1.1-чизма).

Солиқ тушунчаси иқтисодий категория сифатида давлатнинг пайдо бўлиши ва унинг фаолиятининг давомийлиги билан бевосита боғлиқдир. Солиқ категорияси давлатнинг иқтисодий сиёсати орқали иқтисодий воқелик сифатида юзага чиқади. Солиқ тушунчаси тор маънода давлат ихтиёрига солиқ тўловчилардан мажбурий тартибда ундириладиган пул тушумларини ифодалайди.


Ҳозирги шароитда давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали манбаи бўлиб солиқлар ва уларга тенглаштирилган мажбурий тўловлар ҳисобланади (1.2-чизма)



**“Солиқлар ва солиққа тортиш”  
фанининг вазифалари**



**Давлат бюджети даромадларининг  
асосий манбалари**



Мажбурий тўловлар - Солиқ кодексда белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи

Солиқлар – Солиқ кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари

Солиқсиз даромадлар – давлат мулкини сотиш ва хусусийлаштиришдан, ижарага беришдан олинган даромадлар, давлат корхоналари устав капиталига қўйилган инвестициялардан олинган даромадлар, хорижий мамлакатлардан олинган молиявий ёрдамлар



Солиқларнинг иқтисодий моҳияти давлат билан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали характерланади. Бу молиявий муносабатлар махсус ижтимоий характерга эга бўлиб, миллий даромаднинг бир қисми бўлган пул маблағларини давлат ихтиёрига сафарбар қилишга хизмат қилади.

Солиқларнинг моҳияти уларнинг бажарадиган функцияларидан келиб чиқади. Ҳар бир иқтисодий категориянинг ўз функцияси мавжуд. Солиқ ҳам мустақил категория сифатида ўзи бажарадиган функцияларга эга бўлиб, бу функциялар солиқ категориясининг амалдаги ҳаракатини ифодалайди. Функция деганда, одатда, категориянинг ҳаётда кўп қайтариладиган, такрорланадиган доимий ҳаракатларини тушуниш лозим (1.3-чизма)

Солиққа тортиш тизимининг асосий бўғини ҳисобланган **солиқ элементлари** солиққа тортишда ифодаланадиган тушунчалар бўлиб, улар солиқ тўловчилар ва давлат бюджети ўртасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлади (1.4-чизма).


Солиқ элементлари таркибида солиқ ставкалари алоҳида ўрин тутаяди. **Солиқ ставкаси** деганда солиқ объектининг ҳар бир солиқ бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёр тушунилади. Солиқ ставкаларининг моҳияти шундаки, улар солиқ объекти, солиқ бирлиги ва солиқ нормаларига асосланган ҳолда солиқ механизмининг самарали ишлашини таъминлайди.


Солиқ ставкалари икки хил кўринишда: қатъий ва нисбий (фоиз) ставкаларда ифодаланади (1.5-чизма).

Солиқ ставкаси билан солиққа тортиш объекти ўртасидаги боғлиқлик даражасига қараб солиқ ставкаларини **пропорционал**, **прогрессив** ва **регрессив** каби турларга ажратиш мумкин. Солиқ ставкалари, ундирилишига, моҳиятига ва амал қилиши нуқтаи назаридан бир неча турларга ажратилади (1.6-чизма).



# Солиқларнинг функциялари






1.5-чизма




1.6-расм





1.7-расм







Солиққа тортиш тамойиллари солиқ муносабатларини амалиётда таъин этиш, солиққа тортиш, уни ундириш амалиётининг мазмунини очиб беради. Кўплаб иқтисодчилар солиққа тортиш иқтисодиётнинг равнақига олиб келиши мумкин бўлган тамойилларни қайд этишган.


Солиққа тортиш тамойилларини шартли равишда солиққа тортишнинг **классик** ва **замонавий** тамойилларига ажратиш мумкин (1.8-чизма, 1.9-чизма).

**1.8-чизма**



**1.9-чизма**





Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланади. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари Солиқ кодексда белгиланган принципларга зид бўлиши мумкин эмас (1.10-чизма)

1.10-чизма





# МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ТИЗИМИ ВА СОЛ МУНОСАБАТЛАРИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**Режа.**

**1 Солиқларни гуруҳланиши.**

**2.Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар**

**3.Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари,**

**Таянч иборалар: объект, субъект, даромад, оборот. бож, аксиз.**

Ўзбекистон солиқ тизимида солиқларни объекти, иқтисодий моҳияти, бюджетга тушиши, уларни тўловчилари бўйича гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин. Солиқларни гуруҳлаш орқали уларни хусусиятлари, моҳияти ва аҳамияти очиб берилди. Солиқлар объектига кўра даромаддан, оборотдан ва мол-мулк қийматидан олиннадиган солиқларга бўлинади (2.1-чизма)

**2.1-чизма**





Солиқлар иқтисодий моҳиятига, тўловчи билан давлатнинг ўзар муносабатларига бевосита ёки билвосита боғлиқлигига кўра **тўғри** ва **эгри солиқларга** бўлинишига доир замонавий ёндашувга мувофиқ, тўғри солиқлар тўғридан-тўғри даромадга ва мол-мулкка қаратилади (солиққа тортишнинг бевосита шакли). Товарнинг баҳосида тўланадиган ёки тарифга киритиладиган товарлар ва хизматлардан олинадиган солиқлар эгри солиқларга киради. (2.2-чизма)

2.2-чизма



Солиқлар бюджетга тушишига кўра **умумдавлат солиқлари ва мажбурий тўловлари** ҳамда **маҳаллий солиқлар ва мажбурий тўловларга** ажратилади. Солиқларни бундай тартибда гуруҳлаш давлат ҳокимияти органларининг марказий ва маҳаллийга бўлиниши ҳамда давлат бюджетининг республика ва маҳаллий бюджетларга ажратилиши билан белгиланади. Шундан келиб чиқиб, республика бюджетга тушиши белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни умумдавлат, маҳаллий бюджетларга тушиши белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни эса маҳаллийга ажратиш мезони белгиланган (2.3-чизма).



**Солиқларни бюджетга тушишига кўра гуруҳланиши (ЎзР СК 23-модда)**

Умумдавлат солиқлари ва мажбурий тўловлари

Маҳаллий солиқлар ва мажбурий тўловлар

- юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи;
- жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар;
- Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар;
- давлат божи;
- божхона тўловлари;
- ягона солиқ тўлови;
- қатъий белгиланган солиқ

- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ;
- айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;
- ягона ер солиғи

Юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг тузилиш тамойиллари, усуллари, солиқ назоратининг йиғиндиси солиқ тизимини ташкил этади. Солиқ қонунчилигида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизими ифодаланган бўлиб, улар солиқ тизимининг асосини ташкил этади (2.4-чизма)

**Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар (ЎзР СК 23-модда)**

**Солиқлар**

**Бошқа мажбурий тўловлар**

**Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган**

- юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи
- жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи
- қўшилган қиймат солиғи
- акциз солиғи
- ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- мол-мулк солиғи
- ер солиғи
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи
- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ

- ягона ижтимоий тўлов
- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар
- республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар
- республика йўл жамғармасига йиғимлар
- давлат божи
- божхона тўловлари
- айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим

- ягона солиқ тўлови
- ягона ер солиғи
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ



Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, солиқ ишларини юритиш тартиботи ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” ги қонуни ва шу каби бевосита солиққа оид қонун ҳужжатлари орқали тартибга солиб турилади (2.5-чизма)


## 2.5-чизма





## Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари

- Давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлардан амалдаги солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида ахборот олиш
- Ўз солиқ мажбуриятларини бажариш юзасидан давлат солиқ хизмати органлари ҳамда бошқа ваколатли органлардаги мавжуд маълумотларни олиш
- Солиқ муносабатлари масалалари юзасидан ўз манфаатларини шахсан ёки ўз вакили орқали ифода этиш
- Солиқ кодексда, бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида белгилаб қўйилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳамда тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиш
- Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеня ва жарималарнинг ортиқча тўланган ёки ундирилган суммаларини ҳисобга олиш ёки қайтариб олиш
- Солиқ кодексда ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган шартларда ва тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш
- Солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш
- Солиқ текширувлари материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш
- Солиқ текширувларини амалга ошираётган давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бажаришга доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш
- Давлат солиқ хизмати органларининг, бошқа ваколатли органлар ва улар мансабдор шахсларининг Солиқ кодексига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлари ҳамда талабларини бажармаслик
- Давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш





### 3-МАВЗУ: ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИГИ

#### Режа:

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг иқтисодий моҳияти, солиқ солиш объекти ва базаси.
2. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари, даромадлари таркиби ва харажатлари.
3. Солиқ имтиёзлари ва ставкалари.

**Таянч иборалар:** ставка, нарх, тадбиркор, тижорат, фойда, резидент, норезидент, кодекс.

Фойда иқтисодий категория сифатида тадбиркорлик фаолияти жараёнида яратилган соф даромадни ифодалайди.

Фойда тижорат асосида фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг сўнгги молиявий натижаси бўлиши билан бирга, давлат бюджетининг асосий молиявий манбаларидан бири, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади. Нархлар барқарор бўлганда шароитда фойданинг ўсиши корхонанинг самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради. Фойда ҳажмининг ўсиши корхонанинг молиявий салоҳияти, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишчи ва хизматчиларни моддий рағбатлантириш имкониятларини кенгайтиради.


Сўнгги йилларда солиқ тўловчиларнинг даромадларига бевосита таъсир кўрсатувчи юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўловнинг ставкалари сезиларли даражада пасайди.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 9 фоиз қилиб белгилангани ёки солиқ ставкаси 21 фоизга камайди

### СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР

Солиқ кодексига кўра юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўловчилари бўлиб, молия йилида солиққа тортиладиган фойдага эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади (3.1-чизма)

**3.1-чизма**






## СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ

Солиқ кодексининг 127-моддасига кўра юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ва норезидентларининг фойдаси ҳамда резидент ва норезидентларнинг чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаидан солиқ солинадиган даромадлар ҳисобланади (3.2-чизма)

### 3.2-чизма



## СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗА

Солиқ солинадиган база жами даромад билан чегириб ташланадаган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи базаси куйидагича аниқланади (3.3-чизма).

### 3.3-чизма

$$\text{Фойда солиғи базаси} = \sum \text{Даромадлар} - \sum \text{Харажатлар} + \text{Чегирилмайдиган харажатлар} - \text{Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган базадан келгусида чегириладиган харажатлари} - \text{Имтиёзлар}$$

Юридик шахсларнинг фойдаси республикамиз бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ аниқланади.


Республикамизда хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг маҳсулот (иш, изматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосини ЎзР ВМ нинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом белгилайди (3.4-чизма)



Юридик шахсларнинг жами даромади таркибига улар томонидан олиниши лозим бўлган (олинган) ортилган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ҳақлари каби пуллик ва бепул (пулсиз) қайтармаслик шарти билан олинган маблағларни киритиш мумкин (3.5-чизма)




### Жами даромаднинг таркиби (ЎзР СК 129-модда)




### Бошқа даромадлар таркиби (ЎзР СК 132-модда)





Солиқ тўловчининг харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлаш пайтида чегирани белгилашга асосланган бўлади. Харажатлар ҳақиқатда қайси солиқ даврида амалга оширилган бўлса, ўшандаги даврда чегирланади. Солиқ кодексига кўра (141-модда) харажатлар чегирланадиган ва чегираниб ташланмайдиган харажатларга бўлинади (3.7-чизма)


**3.7-чизма**




### СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатида солиқ имтиёзлари асосан инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга, ишлаб чиқаришни янги техник ва технология асбоб-ускуналар билан қайта модернизация қилиш ҳисобига корхоналар молиявий ҳолатини фаоллаштириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган. Солиқ имтиёзларини белгилашда айрим тоифа солиқ тўловчиларни солиқлардан тўлиқ ёки вақтинча озод қилиш ёки солиқларни камайтириш билан биргаликда корхона ихтиёрида имтиёз ҳисобига қоладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш мақсад қилиб қўйилмоқда (3.8-чизма)

**3.8-чизма**





**Юридик шахсларнинг қуйидаги фойдаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади (ЎзР СК 158-модда)**

Протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси

Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси

Тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган фойдаси

Инвестиция фондларининг хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган фойдаси

Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойдаси

Ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ушбу қисмда белгиланган нормадан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси бир фоиз камайтириладиган ҳисоб-китоб асосида камайтирилади

**3.10-чизма**

**Солиқ солинадиган фойдани камайтириш (ЎзР СК 159-модда)**

Экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармалари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг бир фоизидан кўп бўлмаган миқдорда


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача тарбия таълим муассасалари қурилишига йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда

Асосий ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда

Ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳозлар харид қилишга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегирган ҳолда йўналтириладиган маблағлар суммасига

Ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда


Диний ва жамоат бирлашмаларининг (қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкда бўлган корхоналар фойдасидан шу бирлашмалар ва жамғармаларининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига



Юридик шахсларнинг фойда солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланади. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 1998 йилда 36 фоизни ташкил этгани ҳолда 2001 йилда 26 фоизга тушган. 2002 йилга эса 24 фоиз, 2003 йилда 20 фоиз, 2004 йилда 18 фоиз, 2005 йилда 15 фоиз, 2006 йилда 12 фоиз ва 2007 йилда 10 фоиз қилиб белгиланган. 2010 йилда юридик шахсларнинг фойдасига солиқ ставкалари 9 фоиз қилиб белгиланган


Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ва тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади (3.11-чизма)

### 3.11-чизма



Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади (3.12-чизма)

### 3.12-чизма





Юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқ ставкаларининг 1998 йилдан 2011 йилгача ўзгариш динамикасини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (3.1-жадвал):

**Юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқ ставкалари динамикаси 3.1-жадвал**

Солиқ ставкалари (фоизда)	1998 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
<b>Асосий ставка</b>	35	24	20	18	15	12	10	10	10	9	9
Тижорат банклари	-	-	-	-	-	-	17	15	15	15	15
Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт, оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар		35	35	35	35	35	35	35	35	35	35
Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:											
Сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача;		белгиланган ставка 30% га пасайтирилади		белгиланган ставка 30%га пасайтирилади							
Сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ваундан юқори		белгиланган ставка 2 бароварга пасайтирилади		белгиланган ставка 50%га пасайтирилади							
Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун, пластик карталар қўллақ тўлангани кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича		-		белгиланган ставка 10%га пасайтирилади							



## 4-МАВЗУ: ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ

### Режа

1.Солиқ тўловчилари.

2.Солиқ солиш базаси ва ставкалари.

3.Солиқ имтиёзлари. ва жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари

4 Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортиш тартиби.

**Таянч иборалар:** юридик шахс, жисмоний шахс, резидент, норезидент даромад, харажат.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солиқ тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. “Жисмоний шахслар даромадидан солиқ олиш ставкаси ҳам тубдан қайта кўриб чиқилди ва камайтирилди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – давлат бюджети даромад манбаларидан бири бўлиб, у умумдавлат солиқлари таркибига киради. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, солиқ жисмоний шахсларнинг бевосита даромадларидан олинади.

Бугунги кунда жисмоний шахслар тўлаётган солиқлар ва йиғимлар бюджет даромадларининг сезиларли қисини ташкил этмоқда

Республикамизда изчил олиб борилаётган солиқ сиёсатида жисмоний шахслардан олинадиган солиқ ставкаларини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғининг ставкалари пасайтирилиши билан биргаликда уларнинг солиққа тортиш базаси ҳам кенгайтирилди (4.1-жадвал)

### 4.1-жадвал

#### 2002-2011 йилларда жисмоний шахслар даромад солиғи шкаласи ва ставкаларининг ўзгариши


Солиққа тортиладиган даромад (энг кам иш ҳақиға нисбатан)	Солиқ ставкаси (фоизда)	Солиққа тортиладиган даромад (энг кам иш ҳақиға нисбатан)	Солиқ ставкаси (фоизда)
2002 йил		2010 йил	
4 баробаригача	13	5 баробаригача	10
4-8 баробаригача	23	5-10 баробаригача	16
8 баробаридан юқори	33	10 баробаридан юқори	22



Солиқ кодексига кўра молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқнинг тўловчилар ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадида жисмоний шахслар резидентлар ва норезидентларга бўлинади (4.1-чизма).

4.1-чизма



### СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ ВА БАЗАСИ


Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади **солиқ солиш объекти** ҳисобланади. **Солиққа тортиладиган база** бўлиб, жисмоний шахсларнинг жами даромадидан солиқ қонунчилигига кўра белгиланган чегирмаларни айириб ташлагандан кейинги қолдиқ сумма ҳисобланади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи механизмида уларнинг жами йиллик даромадлари муҳим аҳамият касб этади. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар кирази (4.2-чизма).



Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларга жисмоний шахсларнинг меҳнат шартномаси бўйича қилинган ишлардан ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича оладиган даромадлари киради. Бундан ташқари, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган тўловлар, компенсация тўловлари ҳамда ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳам киради (4.3-чизма).



**Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари (ЎзР СК 172-модда)**





Жисмоний шахсларнинг мулкый даромадларига фоизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар, жисмоний шахсларга тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар, роялти ва шу каби қонунчиликда кўзда тутилган даромадлар киради (4.4-чизма)

#### 4.4-чизма





Жисмоний шахсларнинг моддий наф тарзидаги даромадларига жисмоний шахс тўлаши лозим бўлган, лекин товар (иш, хизмат)ларнинг тўлиқ ёки муайян қисми иш берувчи томонидан тўлаб берилган даромадлар киради (4.5-чизма).

#### 4.5-чизма




Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадларига (Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, мулкый даромадлар, моддий наф тарзидаги даромадлардан ташқари) қуйидагилар киради (4.6-чизма)



### 4.6-чизма

## Жисмоний шахсларнинг моддий наф тарзидаги даромадлари (ЎзР СК 178-модда)





## СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи прогрессив солиқ ҳисобланади. Ушбу солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади.


Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари қуйидаги гуруҳларга бўлинади (4.7-чизма)


**4.7-чизма**



Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига белгиланган энг кам ставка бўйича солиқ солинади (4.8-чизма)

**4.8-чизма**





Норезидент жисмоний шахсларнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги манбадан олган даромадларига уларнинг тўлаш манбаида чегирмаларсиз, қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади (4.9-чизма)


**4.9-чизма**



### СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар мазкур солиқнинг муҳим элементларидан бири бўлиб, асосан ижтимоий йўналтирилган имтиёзлар шаклида намоён бўлади (4.10-чизма).


**4.10-чизма**





**Жисмоний шахсларнинг солиқ  
солинмайдиган даромадлари**  
(ЎзР СК 179-модда)







**Қисман озод қилинган жисмоний шахслар (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) (ЎЗР СК 180-модда)**





## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ ДЕКЛАРАЦИЯ УСУЛИДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБИ

Декларация – солиқ идораларига солиқ тўловчи жисмоний шахслар томонидан топшириладиган ва ўз ичига олинган даромадлар ва ушбу даромадлар билан боғлиқ харажатлар ҳақидаги маълумотларни акс эттирадиган ҳамда солиқ тўловчининг ҳисобланган солиқларни ихтиёрий равишда ва белгиланган вақтда давлат бюджетига тўлашга мажбур этадиган ҳужжат ҳисобланади.

Солиқ кодексига кўра жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади ҳақидаги декларация қуйидаги ҳолларда солиқ органларига топширилади (4.14-чизма)


### 4.14-чизма



Жисмоний шахслар доимий истиқомат жойидаги давлат солиқ хизмати органларига жами йиллик даромадлари ҳақида декларацияни қуйидаги муддатларда тақдим этишлари керак (4.14-чизма)

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлаш чоғида декларация топшириш орқали солиқлар қуйидаги муддатларда тўланади (4.15-чизма)

### 4.15-чизма





**Декларация бўйича солиқ тўлаш тартиби (ЎзР СК 193-модда)**

Асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган резидент - жисмоний шахслар - жами йиллик даромад ҳақидаги декларация маълумотлари бўйича ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1 июнидан кечикмай, йил мобайнида қайта ҳисобланганда эса,- декларация давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган кундан эътиборан бир ой ичида

Жисмоний шахслар – ЎзРнинг резидентлари ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини хорижий давлатда жойлашган банк ҳисобварағидан чет эл валютасида тўлаши мумкин. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган, миллий валютада ифодаланган солиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўланган санада ЎзР Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича чет эл валютасида қайта ҳисоблаб чиқилади

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайдилар. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 15 мартигача солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши керак

Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғининг 2000 – 2011 йиллар давомида ўзгариш динамикасини 4.2.-жадвалда кўриш мумкин:

**4.2-жадвал**

**Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ставкалари динамикаси**

Энг кам ойлик иш ҳақи даражаси	Солиқ ставкалари (фоизда)											
	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
1 баробари	-	12	13	13	13	13	13	13	13	12	11	10
2 баробари	15											
3 баробари	25											
4 баробари	36	25	23	22	21	21	20	18	18	17	17	16
5 баробари												
6 баробари												
7 баробари	36	36	33	32	30	30	29	25	25	22	22	22
8 баробари												
8 баробаридан юқори												
9 баробари	40	40	33	32	30	30	29	25	25	22	22	22
10 баробари												
10 баробаридан юқори	40	40	33	32	30	30	29	25	25	22	22	22



## 5-МАВЗУ: ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркибида қўшилган қиймат солиғининг салмоғи. ва солиқ туловчилари.
2. Солиқ объекти ва солиқ солинадиган базани белгилаш тартиби.
3. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва қўшилган қиймат солиғи буйича имтиёзлар.
4. Ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби.

**Таянч иборалар:** қиймат, оборот, даромад, бюджет, қўшилган қиймат, эгри солиқ.

Ўзбекистон солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғи 1992 йилдан буён амал қилмоқда. Ушбу солиқ оборотдан олинадиган солиқ ва сотувдан олинадиган солиқлар ўрнига акциз солиғи билан биргаликда киритилган. Бу солиқ оборот солиғидан фарқли равишда фақат қўшилган қийматдан ундирилади. Оборот солиғи эса бир мартаба умумий оборотдан олинар эди.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромад манбаи сифатида қўшилган қиймат солиғи ҳозирга қадар ўзининг муҳим ўрнини ва амалий аҳамиятини сақлаб келаяпти.

Қўшилган қиймати солиғининг йиллар давомидаги ўзгариш динамикаси 5.1-жадвалда келтирилган:

### 5.1-жадвал

#### Қўшилган қиймат солиғи ставкалари динамикаси

Солиқ ставкалари (фоизда)	1992 й.	1993 й.	1994 й.	1995 й.	1996 й.	1997 й.	1998 й.	1999 й.	2000 й.- 2011 й.
Асосий ставка	30	30	30	30	17	18	18	15-20 ва 0	20

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 197-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғининг тўловчилар бўлиб, амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ушбу солиқни бюджет олдида ҳисоб-китобини амалга оширувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар тушунилади ( 5.1-чизма).


### СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР

(Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 197-моддаси)

**Қўшилган қиймат солиғини тўловчилар қуйидагилардир:**


солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса

зиммасига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга ошириладиган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар



товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб кирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно

оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга оширадиганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) оддий ширкат шартномасининг шериги (иштирокчиси)



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 197-моддасига мувофиқ қуйидагилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланмайди ( 5.2-чизма):

5.2-чизма

**ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ТЎЛОВЧИЛАР ҲИСОБЛАНМАЙДИ:**  
(Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 197-моддаси)

нотижорат ташкилотлар, бундан тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари мустасно


солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар






Амалдаги солиқ кодексининг 198-моддасига кўра қўшилган қиймат солиғининг объекти бўлиб, товар (иш, хизмат)ларни реализация қилиш обороти ҳамда товарларнинг импорти ҳисобланади ( 5.3-чизма):

**5.3-чизма**



**5.4-чизма**



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 204 ва 206-моддаларига мувофиқ товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишга доир солиқ солинадиган база ва товарларни импорт қилишда солиқ солинадиган базани белгилаш қуйидаги тартибда амалга оширилади (5.5-чизма):



Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи ставкаси 1992 йилда 30 фоизни ташкил қилгани ҳолда, бугунга қадар бир-неча марта ўзгартирилди. Жумладан, 1996 йилда 17 фоизни, 1997 йилда 18 фоизни, айрим озик-овқат маҳсулотлари турларига (ун, нон, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари) эса камайтирилган 10 фоизли ставка белгиланди. 1999 йилда республикада қўшилган қиймат солиғининг 3 хил ставкаси (20%, 15%, ва 0%) амалда қўлланилди. 2000 йилдан ҳозирги кунгача солиқ Кодексига кўра республикада 20 фоизли ва “0” фоизли ставка қўлланилиб келинмоқда.



**Қўшилган қиймат солиғи ставкаси:**

**20 фоизли**

- товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти;
- солиқ солинадиган импорт


**Ноль даражали ставка**

- товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (пахта толаси ва линт бундан мустасно) обороти;
- чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга (ишларга, хизматларга);
- божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, “божхона ҳудудида қайта ишлаш” божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга);
- ҳалқаро йўналишда ташишлар бўйича кўрсатиладиган қуйидаги хизматларни реализация қилиш обороти;
- сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларга, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли номидан оладиган ана шундай хизматлар.

Қўшилган қиймат солиғидан бошқа солиқ турларига нисбатан кўпроқ имтиёзлар кўзда тутилган бўлиб, улар солиқ кодексида тўрт гуруҳга бўлиб берилган ( 5.7-чизма).

**5.7-чизма**

**ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР**  
(Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-211-моддалари)



## ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-211-моддалари)



**Солиқдан озод қилинадиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти.**



- ✚ давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи ва йиғимлар ундириладиган хизматлар (ҳаракатлар);
- ✚ мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар;
- ✚ беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар;
- ✚ почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали откриткалар, конвертлар;
- ✚ алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари;
- ✚ давлат мулкни хусусийлаштириш тартибида реализация қилинаётган мол-мулк; ва бошқалар

**Солиқдан озод қилинадиган молиявий хизматлар**



- ✚ кредитлар, заёмлар бўйича фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва ундириш, кредитлар, заёмлар бериш, кафиликлар (кафолатлар), шу жумладан банк кафолатлари бериш;
- ✚ депозитлар қабул қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан вакил банкларда ҳисобварақларини очиш ва юритиш;
- ✚ тўловлар, ўтказмалар, қарз мажбуриятлари, чеклар ва тўлов воситалари билан боғлиқ операциялар, инкассо бўйича операциялар;
- ✚ миллий валюта ва чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар, нумизматика мақсадларида фойдаланиладиганлари бундан мустасно; ва бошқалар

**Солиқдан озод қилинадиган суғурта хизматлари**



- ✚ суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси қуйидагиларни олса, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:
- ✚ суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари;
- ✚ қайта суғурта қилишга топширилган шартномалар бўйича воситачилик ҳақи ва танъемалар;
- ✚ суғурта агенти, суғурта ва қайта суғурта брокери, сюрвейер ҳамда суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчиларининг хизматлари учун воситачилик ҳақи;
- ✚ қайта суғурта қилишга топширилган шартномалар бўйича суғурта тўловлари улушининг қайта суғурталовчилар томонидан тўланадиган тўловини; ва бошқалар

**Солиқдан озод қилинадиган импорт**



- ✚ жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб кириш-нинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тасдиқланган норма-лари доирасида олиб кириладиган товарлар;
- ✚ чет эл дипломатик ваколатхона-лари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар расмий фойдаланиши учун, шунингдек ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан уларнинг ўзлари билан бирга яшаётган оила аъзолари шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган товарлар;
- ✚ Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамаси томонидан белги-ланган тартибда инсонпарварлик ёрдами тариқасида олиб кириладиган товарлар; ва бошқалар



**ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ**  
(Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 225-моддаси)

**Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобда турган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан:**

**қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан**

**микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига қирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан**

йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилган муддатда

ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади

5.10-чизма

**СОЛИҚНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ**  
(Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 226-моддаси)

**ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ БЮДЖЕТГА ТўЛАШ:**

**қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган микрофирмалар ва кичик**

**микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига қирмайдиган солиқ тўловчилар**

**Импорт қилинадиган товарлар бўйича**

йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилган муддатда

ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади

божхона расмийлаштирувига қадар ёки божхона расмийлаштируви вақтида



## 6-МАВЗУ: АКЦИЗ СОЛИҒИ

Режа:

1. Акциз солиғини жорий қилиниши ва бюджет даромадидаги салмоғи.
2. Акциз солиғи туловчилари ва аксизости товарлар рўйхати.
3. Акциз солиғи объекти ва солиқ солинади
4. Акциз солиғи ставкалар ва аксиз маркалари.
5. Акциз солиғининг ҳисоб-китоби ва тулаш тартиби.

**Таянч иборалар:** эгри солиқ, аксиз солиғи, аксиз маркаси, нарх, товар, қиймат.

Ўзбекистонда акциз солиғи 1992 йилда қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда оборот солиғи ва сотувдан олинadиган солиқлар ўрнига жорий қилинган. Унинг қўшилган қиймат солиғидан фаркли томони шундаки, у айрим товарлар ва маҳсулотларни чегаралаб олган ва у бажарилган иш, кўрсатилган хизматларга нисбатан қўлланилмайди. Акциз солиғи индивидуал характерга эга бўлиб, фақат акциз ости товарларга нисбатан қўлланилади.

Акциз солиғи қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ва нархда ҳисобга олинadиган юклаб жўнатилган товарлар қийматининг бир қисмини эгри солиқ сифатида бюджетга ундириш шакли ҳисобланади.


Акциз солиғи Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллайди. Жумладан, жами бюджет даромадларида унинг улуши 2006 йилда 18.8 фоизни, 2007 йилда эса 18.0 фоиз бўлган бўлса, 2008 йилда 16.5 фоизни ташкил этиши прогнозлаштирилган. Акциз солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улушининг пасайиш тенденцияга эга эканлиги шу билан изоҳланадики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларини ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорига асосан “ЎзДЭУАвто” акционерлик жамиятининг ишлаб чиқараётган автомобиллари (Ласетти, Нексия, Дамас, Матиз), биллурдан қилинган маҳсулотлар, мебель, видео ва аудиоаппаратура ҳамда кумушдан ясалган пичоқ ва санчкиларга ҳисобланган акциз солиқлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, истеъмол товарларининг ассортиментини кўпайтириш ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш учун корхоналарнинг ўз ихтиёрларида қолдириладиган бўлди. Бундан ташқари, 2008 йилда айрим товарлар (мебель, биллур буюмлар, шу жумладан биллурдан ясалган ёритиш асбоблари, видео- ва аудиоаппаратура) акциз ости товарлари рўйхатидан чиқариб ташланди. Шунинг ҳисобига ҳозирги вақтда акциз солиғининг улуши давлат бюджети даромадлари таркибида кам салмоқни эгалламоқда.

Акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари бўйича акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан акциз солиғини тўловчи этиб белгиланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 229-моддасига мувофиқ акциз солиғи тўловчилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (6.1-чизма)



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 230-моддасига мувофиқ акциз солиғи объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (6.2-чизма)


6.2-чизма






Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра қуйидаги акциз тўланадиган товарларни нисбатан акциз солиғи солинмайди (6.3-чизма).

6.3-чизма




Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 232-моддасига мувофиқ акциз солиғи солинадиган база бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (6.4-чизма)



Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра қуйидаги ҳолатларда акциз солиғи бўйича солиқ солинадиган базага тузатиш киритилади (6.5-чизма).

6.5-чизма


**СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗАГА ТУЗАТИШ КИРИТИШ**  
(Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 233-моддаси)






Акциз солиғи ставкалари товарнинг қийматига нисбатан фоизларда ва натурда ифодаланган ўлчов бирлигига мутлақ суммада белгиланади ( 6.6-чизма).


**6.6-чизма**



Акциз солиғи ставкалари ва акцизоти товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади. Акциз солиғи ставкалари ва акцизоти товарлар рўйхати солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади (6.7-чизма).

**6.7-чизма.**





Тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар ишлаб чиқарилиши, импорт қилиниши, сақланиши, ташилиши ва сотилиши устидан давлат назоратини ўрнатилган шунингдек акциз солиғи тўлиқ ундирилиши, кўрсатилган товарларни яширинча ишлаб чиқариш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келишнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 1996 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига олиб келинадиган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни, пиводан ташқари, мажбурий тарзда белгиланган намунадаги акциз маркалари билан маркаланиш жорий этилди ва уларни акциз маркаларини ёпиштирмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш, ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш таъқиқланди.

Ҳозирги кунда Республикамиз ҳудудида ишлаб чиқариладиган, шунингдек унинг божхона ҳудудига импорт қилинадиган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда акциз маркалари билан тамғаланиши лозим (6.8 -чизма).


## 6.8-чизма






Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 238-моддасига мувофиқ акциз солиғининг солиқ даври қуйидагича муддат белгиланган (6.9-чизма)


**6.9-чизма**



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 239-моддасига мувофиқ акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги муддатларда тақдим этилади (6.10-чизма):


**6.10-чизма**






Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 240-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади ( 6.11-чизма):

**6.11-чизма:**



Импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи товарларнинг божхона расмийлаштирувига қадар ёки божхона расмийлаштируви вақтида импорт қилувчи томонидан тўланади.



## 7-МАВЗУ: ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЧУН СОЛИҚЛАР ВА МАХСУС ТЎЛОВЛАР


**Режа:**

- 1. Ер қаъридан фойдаланувчилар тулайдиган солиқлар ва солиқни тўловчилари.**
- 2. Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ суммасини асосий ер ости бойликлари бўйича шаклланиши**
- 3. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ва солиқнинг ҳисоб-китоби.**

**Таянч иборалар: бонус, минерал, металл, хом ашё, қора металл, рангли металл.**

Солиқ кодексига кўра ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ умумдавлат солиқлари таркибига киради. Ушбу солиқ табиий бойликлардан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлаш билан бирга соф фискал вазифани ҳам бажаради (7.1-чизма).


**7.1-чизма**



Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмаларни казиб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олаётган, шунингдек, фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланишади (7.2-чизма).




7.2-чизма



Кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектидир. Тайёр маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади (7.3-чизма).


7.3-чизма





Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиқ солинадиган базадан Е.Қ. белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади (7.4-чизма).

**7.4-чизма**





## 8-МАВЗУ: СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ

Режа:

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилари таркиби.
2. Солиқ солиш объекти ва базаси
3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари. Солиқ солинадиган базани камайтириш.
4. Солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш муддатлари.

**Таянч иборалар:** ресурс, юридик шахс, жисмоний шахс, тадбиркор, якка тадбиркор.

Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар, деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилардир (8.1-чизма).

**8.1-чизма**





Ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланиладиган сув ресурслари солиш **объекти** ҳисобланади. Фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ солинадиган базадир (8.2-чизма).

**8.2-чизма**



Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига биноан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан айрим тоифадаги (8.3-чизма) юридик шахслар озод қилинади.


**8.3-чизма**






Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база айрим тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда 8.4-чизмадаги ҳажмларга камайтирилади.

### 8.4-чизма




Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби сувдан фойдаланиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан қуйидаги муддатларда тақдим этилади (8.5-чизма).

### 8.5-чизма



**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг динамикаси**

<b>Солиқ ставкалари (1 куб. метр учун ставка сўм)</b>	<b>2002 у.</b>	<b>2003 у.</b>	<b>2004 у.</b>	<b>2005 у.</b>	<b>2006 у.</b>	<b>2007 у.</b>	<b>2008 у.</b>	<b>2009 у.</b>	<b>2010 у.</b>	<b>2011 у.</b>
Ер усти сув ресурслари манбалари	2,7	3,3	4,9	6,4	9,6	14,4	17,3	21,6	24,8	29,8
Ер ости сув ресурслари манбалари	3,5	4,2	6,3	8,2	12,3	18,5	22,0	27,5	31,6	37,9



## 9-МАВЗУ: ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ


**Режа:**

1. Мол-мулк солиғини жорий қилишдан мақсад
2. Давлат бюджети даромадлари таркибида юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг салмоғи.
3. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг солиққа тортиш базаси
4. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари.
5. Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи солиқ объекти ва базаси.
6. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи ставкаси.

**Таянч иборалар:** мулк, жисмоний шахс, юридик шахс, кредит, лизинг, бюджет, улуш.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тўғри солиқлар таркибига киради ва моҳиятига кўра бу солиқ асосий фондлар шаклидаги ресурсларга нисбатан белгиланган солиқ ҳисобланади. Мазкур солиқ бўйича тушумлар суммаси тўлиқ маҳаллий бюджетларга тушади ва у маҳаллий бюджетларнинг барқарор даромад манбаларидан бири ҳисобланади (9.1-чизма).


**9.1-чизма**






Солиқ тизимида мол-мулк солиғини жорий қилишдан кўзланган маънодан биринчидан, корхоналар ўзларининг хўжалик фаолиятини юритишда ортиқча ёки фойдаланилмаётган мол-мулкни сотишга қизиқишини уйғотиш бўлса, иккинчидан, корхоналар балансидаги мол-мулкдан самарали фойдаланишни рағбатлантиришдан иборатдир (9.2-чизма).


**9.2-чизма**



Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши юқори салмоққа эга эмас. Солиқ қонунчилигига асосан мол-мулк солиғининг тўловчилари бўлиб, солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади (9.3-чизма).


**9.3-чизма**





Солиққа тортишнинг алоҳида режими ўрнатилган айрим тоифадаги корхоналарга, жумладан ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар, ягона солиқ тўловини тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар ҳамда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда нотижорат ташкилотлар учун уларнинг асосий фаолияти бўйича мол-мулк солиғини тўлаш татбиқ этилмайди (9.4-чизма).

9.4-чизма



Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг солиққа тортиш базаси бўлиб, асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектининг ўртача йиллик қиймати, меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати ҳисобланади (9.5-чизма).

9.5-чизма







Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қуйидаги 9.6–чизмада келтирилган корхона ва ташкилотлар озод қилинади.

**9.6-чизма**



Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг қийматига камайтиради (9.7-чизма).






**Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг қийматига камайтирилади  
С.К. 269-модда**

- Умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва автомобиль йўллари, магистраль трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линиялари.
- Консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган асосий ишлаб чиқариш фондлари.
- Лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга.
- Солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган, фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларнинг.
- Шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган шаҳар йўловчилар транспорти ташкилотлари транспорт воситаларининг.
- Тузилган шартномаларга мувофиқ юридик шахснинг буюртмаси бўйича ишлар бажариш учун касаначиларга бепул фойдаланишга берилган асбоб-ускуналарнинг.
- Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг.
- Ишлаб чиқаришга янги жорий этилган янги технологик жиҳозларнинг, беш йиллик муддатга



Юридик шахслар бюджетга жорий тўловлар суммасини ҳисобот йилида мол-мулкининг ўртача йиллик қийматидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб мустақил равишда ҳисоблайдилар. Бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдориди тўланади (9.8-чизма).

### 9.8-чизма



### Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи

Солиқ солинадиган мол-мулкга эга бўлган жисмоний шахслар, чет эл фуқаролари, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилари бўлиб ҳисобланишади (9.9-чизма).



**Солиқ тўловчилар таркиби  
С.К. 272-модда**

Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар

Чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари

Жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй-жойлари, квартиралари, чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлари, бинолар ва иншоотлари солиқ солиш объекти ҳисобланади. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиладиган солиқ солиш объектларининг инвентаризация қиймати тўловчилар учун солиқ солинадиган базадир (9.10-чизма).


**9.10-чизма**






Солиқ қонунчилигига кўра қуйидаги жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган иморатлари, бинолари ва иншоотларига солиқ солинмайди (9.11-чизма).

### 9.11-чизма



Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади. Иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи уларнинг ҳар йил 1 январдаги ҳолати юзасидан техник инвентаризациялашнинг ҳудудий кадастр бюрolari тақдим этадиган инвентаризация қийматига доир маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарилади, бундай маълумотлар бўлмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланган мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади (9.12-чизма).



Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларининг ўзгариш динамикаси 9.1-жадвалда келтирилган:

9.1-жадвал

### Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари динамикаси

Солиқ ставкалари (фоизда)	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
1. Юридик шахслар:										
а) асосий воситалар ва номоддий активларнинг қолдиқ қийматидан	2	3	3,5							
б) меъёрдаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар учун	7									
2. Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:										
а) сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30 фоизга камайтирилади									
б) сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50 фоизга камайтирилади									




Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларининг 2002 йилдан 2011 йилгача бўлган ўзгаришлар динамикаси 9.2-жадвалда келтирилган:

## 9.2-жадвал

### Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари динамикаси

Солиқ ставкалари (фоизда)	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
1. Турар жойлар, квартиралар, дала ҳовли, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар										
а) ТИБ идоралари томонидан баҳоланган объектлар қийматидан	0,4	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,75
б) 01.01.1998 йилгача баҳоланган бино ва иморатлар қийматидан эски баҳодан	5,8	7	7	7	7					
2. Шаҳарларда жойлашган умумий майдони қуйидагича бўлган турар жой ва квартиралар:										
а) 200 кв. м дан ошиқ ва 500 кв. м гача бўлган	-	-	-	-	-	-	-	-	-	0,9
б) 500 кв. м дан ошиқ бўлган	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1,13
3. ТИКБ идоралари томонидан баҳоланмаган янги қурилган объектлар учун шартли баҳо:										
а) Тошкент шаҳри ва вилоятлар маркази учун;	1500 минг сўм	1800 минг сўм				2100 минг сўм	2100 минг сўм	1680 минг сўм	1848 минг сўм	1848 минг сўм
б) Бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойлари учун	700 минг сўм	800 минг сўм				920 минг сўм	920 минг сўм	7300 минг сўм	8030 минг сўм	8030 минг сўм



# 10-МАВЗУ: ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ

Режа.

1. Ер солиғининг жорий этилишидан мақсад
2. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар
3. Солиқ солиш объекти, базаси, ер солиғи ставкалари ва ер солиғи тўлашдан имтиёзлар.
4. Ер солиғи ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби
5. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ва солиқ тўловчилар таркиби.
6. Солиқ солиш объекти, базаси ва ставкалари.

**Таянч иборалар:** ер ресурси, балл бонитет, ер фонди, ижара, лалми ер.

Ер солиғини жорий этилишидан мақсад – ердан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сифати турлича бўлган ерларда хўжалик юретишнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини тенглаштириш, аҳоли яшайдиган жойларда инфраструктура ривожланишини таъминлаш ҳамда ерни талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик ҳисобланади (10.1-чизма).

**10.1 -чизма**






Солиқ қонунчилигига кўра ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишади (10.2-чизма).

10.2-чизма



Солиқ кодексига кўра мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари солиқ солиш объекти ҳисобланади. Ер участкасининг ушбу Кодекс 282-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони солиқ солинадиган базадир (10.3-чизма).


10.3-чизма






Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига биноан ер солиғи тўлаш куйидаги юридик шахслар озод қилинади (10.4-чизма).


**10.4-чизма**



Юридик шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамда унинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади (10.5-чизма).


**10.5-чизма**






Ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоб-китоб чиқарилади ва ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилининг 15 февралига қадар тақдим этилади. Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади (10.6-чизма).

**10.6-чизма**




### **Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи**

Солиқ кодексига кўра ўз мулкида, эгалигида, фойдаланишида ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғининг тўловчилари бўлиб ҳисобланишади (10.7-чизма).



Жисмоний шахсларнинг ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг ер участкалари майдонига доир маълумотлари солиқ солинадиган базадир (10.8-чизма).


**10.8-чизма**






Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига биноан ер солиғи тўлашдан айқин ҳолатдаги (10.9.-чизма) жисмоний шахслар озод қилинади.


### 10.9-чизма





Жисмоний шахслар учун ер солиғини давлат солиқ органларининг ходимлари ҳисоблаб чиқаради. Давлат солиқ хизмати органлари ер участкалари, мулкдорлари, ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилар ёки ижарачилар бўлган жисмоний шахсларнинг мунтазам ҳисобини юритадилар. Солиқ тўланиши тўғрисидаги тўлов хабарномалари жисмоний шахсларга давлат солиқ органлари томонидан ҳар йили, жорий йилнинг 1 майидан кечиктирмай топширилади (10.10-чизма).

**10.10-чизма**





# 11-МАВЗУ: СОЛИҚ СОЛИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИ

Режа:

1. Кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ва солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби.
2. Ягона солиқ тўлови, солиқ туловчилари ва солиқдан озод этилганлар.
3. Солиқ солиш объекти, базаси, ҳисоб-китобларни тақдим этиш, тўлаш муддатлари ва тартиби.
4. Ягона ер солиғи объекти, базаси, солиқ туловчилари ва солиқдан озод қилинганлар.
5. Ягона ер солиғини тўлаш муддатлари
6. Қатъий белгиланган солиқ тўловчилари, объекти, базаси.
7. Қатъий белгиланган солиқни ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш тартиби.


**Таянч иборалар:** ягона солиқ, ягона ер солиғи, тадбиркор, кичик корхона, бож, фирма, микрофирма, ялпи тушум, ялпи даромад.

Солиққа тортиш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон “Кичик корхоналар учун ихчамлашган солиққа тортиш тизимига ўтишни қўллаш тўғрисида” ги қарорига асосан микрофирма ва кичик корхоналар солиққа тортишнинг умумбелгиланган тартибидан соддалаштирилган, яъни ихчамлаштирилган солиқ режимига ўтказилди. Бунда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлаш ёки умумбелгиланган тартибда солиқ мажбуриятларини бажариш ихтиёрий эканлиги қатъий белгиланди.

Кичик корхоналар учун ягона солиқнинг ўрнатилиши солиқ ҳисоб-китобини тузишни осонлаштиради ҳамда улар бир нечта солиқ тури ўрнига фақатгина битта ягона солиқ бўйича солиқ идораларига солиқ ҳисоб-китобини топшириш имкониятига эга бўлдилар. Натижада корхона ҳисобчиларининг иши бирмунча осонлашди.

Солиқ Кодексининг 348-моддасига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун қўлланилади ва қуйидаги солиқлар бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилишини назарда тутади (11.1-чизма).


**1.1-чизма**






Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ ягона солиқ тўлови, ягона ер солиқ тўлови ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ Солиқ кодексда назарда тутилган жами умумбелгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўрнига тўланади ( 11.2-чизма).

11.2-чизма



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 349-моддасига мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилганда айрим умумбелгиланган солиқларни тўлашга доир мажбуриятлар сақлаб қолинади (11.3-чизма).

11.3-чизма






## Ягона солиқ тўлови


Микрофирмалар ва кичик корхоналарни жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётида аҳамияти ва улушини тубдан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сонли «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ 2005 йилнинг 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон солиқ тизимида кичик бизнес субъектларининг баъзи тоифалари учун ягона солиқ тўлови жорий қилинди. У бирхиллаштирилган бўлиб, қуйидаги мажбурий тўловларни тўлаш ўрнига жорий қилинган ( 11.4-чизма):


**11.4-чизма**



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 350-моддасига мувофиқ, ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (11.5-чизма):

**11.5-чизма**






Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, қуйидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга нисбатан ягона солиқ тўлови қўлланилмайди (11.6-чизма):

11.6-чизма



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги “1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида”ги ПФ-3305 сонли фармонида кўра 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес субъектлари таркибига қуйидагилар киритилган (11.7-чизма):


11.7-чизма





Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра ягона солиқ тўлови объекти бўлиб ялпи тушум ҳисобланади ва унинг таркибига қуйидагилар киритилади ( 11.8-чизма):


11.8-чизма



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 356-моддасига мувофиқ, қуйидагилар чегириб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиқ солинадиган базадир (11.9-чизма):




**ЯЛПИ ТУШУМДАН ЧЕГИРИБ ТАШЛАНАДИ:**



2005 йил 1 июлдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўловчилар ҳисобланган микрофирмалар ва кичик корхоналарга нсибатан қуйидаги преференциялар назарда тутилади (11.10-чизма):


**11.10-чизма**

**ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИ ТЎЛОВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАРГА ЭГА:**





Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойи давлат солиқ хизмати органига ортиб борувчи яқун билан қуйидаги муддатларда тақдим этилади (11.11-чизма):



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 360-молдасига мувофиқ ягона солиқ тўловини тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади (11.12-чизма):






## Ягона ер солиғи

Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари ягона ер солиғининг тўловчилари бўлиб ҳисобланишади (11.13-чизма).

11.13-чизма



Ўрмон ва овчилик хўжаликлари ҳамда юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ягона ер солиғини тўловчилар ҳисобланмайди (11.14-чизма).

11.14-чизма






Қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижара берилган ер участкаси майдони ягона ер солиғи солиш **объекти** ҳисобланади. Солиқ солинадиган ер участкаларининг меъёрий қиймати солиқ солинадиган **база** ҳисобланади (11.15-чизма).

**11.15-чизма**



Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига солиқдан имтиёз белгиланганда улар солиқни ушбу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб тўлашни тўхтатадилар. Солиқ имтиёзлари бекор қилинган тақдирда улар ер солиғини ушбу ҳуқуқ бекор қилинган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлашни бошлайдилар. Солиқ кодексига биноан ягона ер солиғини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади (11.16-чизма).

**11.16-чизма**






Ягона ер солиғи ставкаси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади (11.1-жадвал).

**11.1-жадвал**

**Қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ягона ер солиғи ставкалари<sup>2</sup>**


Тўловчилар	Меъёрий қийматга фоизлардаги ставка*
Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари	2,8



\*Бунда жамоат бинолари ва ҳовлилари банд этган ерлар бўйича баҳолаш 2,0 коэффициентини қўллаш орқали амалга оширилади.

Солиқ тўловчилар ягона ер солиғи суммасини солиқ солинадиган базага қараб, яъни ер участкаларининг меъёрий қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқадилар. Ягона ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даврининг 1 майигача тақдим этилади (11.17-чизма).

**11.17-чизма**




<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қароридан олинди.



## Қатъий белгиланган солиқ

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, қатъий белгиланган солиқни тўловчилар қуйидагилар ҳисобланади (11.18 -чизма).

**11.18-чизма**



Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 372-моддасига мувофиқ, қатъий белгиланган солиқ белгиланган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткич солиқ солинадиган объект ҳисобланса, солиқ солинадиган база эса физик кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади (11.19-чизма).


**11.19-чизма**





Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларининг аниқ миқдорларини қуйидаги мезонларга асосланиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари белгилайди (11.20-чизма).

**11.20-чизма**



Қатъий белгиланган солиқнинг базавий ставкалари ва юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинadиган қатъий белгиланган солиқ суммасининг ҳисоб-китоби учун тузатувчи коэффициентлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра, қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги муддатларда тақдим этилади (11.21-чизма):

**11.21-чизма**






Солиқ солиш объекти ва иш ҳақининг энг кам миқдори ўзгарган тақдирда солиқ тўловчилар аниқлик киритилган ҳисоб-китобни навбатдаги тўловни тўлаш муддатидан кечиктирмай тақдим этишлари шарт.

Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра, қатъий белгиланган солиқни тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади (11.22-чизма):

11.22-чизма



Агар фаолият амалга оширилган жой учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалардан фарқ қилса, қатъий белгиланган солиқ энг юқори ставка бўйича тўланади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 373-моддасида келтирилган (11.23-чизма).

11.23-чизма





Республикамизда ягона ер солиғи ставкасининг ўзгариши қуйидаги 11.2-жадвалда келтирилган:

### 11.2-жадвал

#### Ягона ер солиғи ставкасининг динамикаси

Солиқ ставкалари (фоизда)	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Асосий ставка	1	1,5	2,3	2,8	3,5	5	6

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўлови ставкаларида бўлаётган ўзгаришларни 11.3-жадвал орқали таққослаб кўриш мумкин:

### 11.3-жадвал

#### Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўлови ставкалари динамикаси

Солиқ ставкалари (фоизда)	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Иқтисодийнинг барча тармоқлари корхоналари, 2-6-бандларда кўрсатиб ўтилганларидан ташқари	10	12	13	13	13	10	8	8	7	6
Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар	50	50	50	50	50	50	50	50	50	-
Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси умумий ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этадиган корхоналар	-	-	-	12	5	5	5	5	5	5
Қишлоқ хўжалиги корхоналари асосий фаолияти бўйича, ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланадиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно	5	6	6	6	6	6	6	6	6	6
Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	25	35	35	30	30	30	30	30	30	30
Тайёрлов ва таъминот-сотиш ташкилотлари, брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганларидан ташқари), шунингдек воситачилик, топшириқ ва бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхоналар	25	30	30	30	30	33	33	33	33	33
Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар	-	-	-	-	-	13	13	13	13	13
Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун,										



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё маҳсулотлари бундан мустасно:									
сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	-	-	-	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади					
сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан ортиқ фоиз	-	-	-	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади					
Хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	-	-	-	-	-	белгиланган ставка 10%га пасайтирилади			

Қуйидаги 11.4-жадвалда эса савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг ставкалари динамикаси берилган:

### 11.4-жадвал

#### Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг ставкалари динамикаси

Солиқ ставкалари (фоизда)	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Умумий овқатланиш корхоналари	20	20	20	20	10	10	10	10	10
улардан:									
умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари	16	16	16	16	8	8	8	8	8
Чакана савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари), қуйидаги жойларда жойлашган:*									
аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	20	20	20	20	5	4	4	4	4
бошқа аҳоли пунктларида	18	18	18	18	3	2	2	2	2
бориш қийин бўлган ва тоғлик туманларда	16	16	16	16	1	1	1	1	1
Улгуржи савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари)	20	20	20	20	5	5	5	5	5
Улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари, қуйидаги жойларда жойлашган:									
аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	20	20	20	20	3	3	3	3	3
бошқа аҳоли пунктларида	18	18	18	18	2	2	2	2	2
бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	16	16	16	16	1	1	1	1	1
1, 2 ва 4-бандларда кўрсатилган корхоналар учун (улгуржи дорихона ташкилотларидан ташқари), пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда сотилган товарлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10%га пасайтирилади								



## 12-МАВЗУ: МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР


Режа:

1. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ
2. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ
3. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим

**Таянч иборалар:** товар, тадбиркор, савдо айланмаси, чакана савдо,

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилардир (12.1-чизма).

**12.1-чизма**



Солиққа тортишнинг алоҳида тартиби белгиланган юридик шахслар ҳамда нотижорат ташкилотлар асосий фаолият тури бўйича бу солиқни тўламайдилар, улар фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғуллансалар, улар ушбу фаолият бўйича алоҳида ҳисоб юритишлари ва бюджетга ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни тўлашлари лозим (12.2-чизма).

**12.2-чизма**






Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўланганидан кейин тасарруфида қолган фойда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида солиқ солиш объекти ва базаси ҳисобланади (12.3-чизма).


### 12.3-чизма



Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг энг юқори ставкаси солиқ солиш объектининг 8 фоизи миқдорида белгиланган. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, мулкида бўлган ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган юридик шахслар озод қилинади (12.4-чизма).


### 12.4-чизма





Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш мазкур солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади (12.5-чизма).

**12.5-чизма**



**Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 301-моддасига мувофиқ жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўловчилар қуйидагилар (12.6-чизма):


**12.6-чизма**





Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 302-моддасига мувофиқ рақиблик жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлаб чиқариш ва тақдир қилиш учун олинадиган солиқни солиш объекти ва солиқ солинадиган база бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (12.7-чизма):

**12.7-чизма**



Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ истеъмолига олинадиган солиқ ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президент қарори билан

Солиқ суммаси чакана нархга қўшимча равишда белгиланади ва жисмоний шахс - харидорга бериладиган чекда алоҳида сатр билан кўрсатилади. Солиқ суммаси жисмоний шахсларга сотиладиган бензин, дизель ёнилғиси ва газ учун маблағ тўланиши билан бир вақтда ундирилади.

Солиқ суммаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$N = V \times St,$$

бу ерда:

**N** - ҳисоблаб ёзилган солиқ;


**V** - жисмоний шахсларга сотиладиган бензин, дизель ёнилғиси ёки газнинг натурал ифодадаги ҳажми;

**St** – солиқ ставкаси.



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 303-моддасига мувофиқ солиқ даври бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (12.8-чизма):

12.8-чизма



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 304-моддасига мувофиқ жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг жорий ўн кунлик тўловлар ҳисобга олинган ҳолдаги ҳисоб-китоби ёнилғи қуйиш шохобчаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги муддатларда тақдим этиладилар (12.9-чизма):

12.9-чизма





Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 304-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади (12.10-чизма).


**12.10-чизма**




**Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим**

Ўзбекистон республикаси солиқ кодексининг 23-моддасига кўра товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар таркибига киради ва у маҳаллий бюджет даромадларидан бири ҳисобланади. солиқ кодексининг 345-моддасига мувофиқ товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимнинг тўловчилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади ( 12.11-чизма):


**12.11-чизма**





Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 346-моддасига мувофиқ товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш учун йиғимни объект ва базаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (12.12-чизма):

**12.12-чизма**



Ушбу йиғим айрим турдаги товарлар билан чакана савдони амалга ошириш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқини олиш учун тўланади. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи рухсат гувоҳномаси билан тасдиқланади. Рухсат гувоҳномаси жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда берилади. Айрим товар турларининг ва хизматларнинг рўйхати ҳамда йиғим миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади. Йиғимлар миқдори ўрнатилган энг кам иш ҳақи миқдорига нисбатан белгиланади

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 347-моддасига мувофиқ товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимни тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади (12.13-чизма).

**12.13-чизма**





Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг 2002-2010 йиллардаги ўзгаришлар динамикаси 12.1-жадвалда келтирилган:

## 12.1-жадвал

### Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг динамикаси

Солиқ ставкалари (фоизда)	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	8								
Истеъмол учун жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ:									
а) транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси	1 литр учун 20 сўм	1 литр учун 30 сўм	1 литр учун 40 сўм	1 литр учун 50 сўм	1 литр учун 60 сўм	1 литр учун 80 сўм	1 литр учун 100 сўм	1 литр учун 120 сўм	1 литр учун 145 сўм
б) транспорт воситалари учун газ	1 кг учун 17 сўм	1 кг учун 30 сўм	1 кг учун 40 сўм	1 кг учун 50 сўм	1 кг учун 60 сўм	1 кг учун 80 сўм	1 кг учун 100 сўм	1 кг учун 120 сўм	1 кг учун 145 сўм
Савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим	Бир ойлик савдо учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3,5 баравари				-				
Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим:									
а) алкогольли (тамаки) маҳсулотлар	Бир ойлик савдо учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари				Бир ойлик савдо учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари				
б) қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар	-				Бир ойлик савдо учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3,5 баравари				
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиладиган юридик, шунингдек жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш учун йиғим	энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари						энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баравари		



Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг динамикаси 12.2-жадвалда берилган:

### 12.2-жадвал

#### Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг динамикаси

Солиқ ставкалари (фоизда)	2011 й.								
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	8								
Истеъмол учун жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ:									
транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси	1 литр учун 175 сўм								
транспорт воситалари учун суюлтирилган газ	1 кг учун 140 сўм								
транспорт воситалари учун сиқилган газ	1 куб метр учун 175 сўм								
Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим:									
алкоголли (тамаки) маҳсулотлар	Бир ойлик савдо учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари								
қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар	Бир ойлик савдо учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3,5 баравари								
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиладиган юридик, шунингдек жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш учун йиғим	энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баравари								



### 12.3-жадвал

## Юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари динамикаси

Солиқ ставкалари	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
<b>Автотранспорт воситаларини қисқа муддат сақлаш жойлари (эгаллаган майдон 1 кв. метр):</b>	<b>0,05*</b>	<b>0,05*</b>	<b>0,1*</b>	<b>1*</b>						
Тошкент шаҳри	1,0 - 1,5	1,0 - 1,5	1,0 - 1,5	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
вилоятлардаги шаҳарлар	0,9 - 1,5	0,9 - 1,5	0,9 - 1,5	0,09	0,09	0,09	0,09	0,09	0,09	0,09
туманлар, шу жумладан қишлоқ жойлари	0,6 - 0,9	0,6 - 0,9	0,6 - 0,9	0,06	0,06	0,06	0,06	0,06	0,06	0,06
<b>Болалар ўйин автоматлари (жиҳозланган ўринлар сони бирликда):</b>	<b>3*</b>	<b>10*</b>	<b>3*</b>	<b>1*</b>						
Тошкент шаҳри	0,8 - 1,5	0,8 - 1,5	0,8 - 1,5	3,0	3,0	3,0	3,0	3,0	3,0	3,0
вилоятлардаги шаҳарлар	0,6 - 1,2	0,6 - 1,2	0,6 - 1,2	2,0	2,0	2,0	2,0	2,0	2,0	2,0
туманлар, шу жумладан қишлоқ жойлари	0,3 - 0,8	0,3 - 0,8	0,3 - 0,8	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0
<b>Бильярдхоналар (жиҳозланган ўринлар сони бирликда):</b>	<b>10*</b>	<b>14*</b>	<b>14*</b>	<b>1*</b>	<b>1*</b>	<b>1*</b>	<b>1*</b>	<b>1*</b>	-	-
Тошкент шаҳри	1,0 - 1,4	0,8 - 1,5	0,8 - 1,5	14,0	14,0	14,0	14,0	14,0	-	-
вилоятлардаги шаҳарлар	0,9 - 1,3	0,6 - 1,2	0,6 - 1,2	12,0	12,0	12,0	12,0	12,0	-	-
туманлар, шу жумладан қишлоқ жойлари	0,6 - 0,9	0,3 - 0,8	0,3 - 0,8	10,0	10,0	10,0	10,0	10,0	-	-

\* энг кам иш ҳақига бирлик учун каррали миқдорларда



# 13-МАВЗУ: ИЖТИМОЙ ЖАМҒАРМАЛАРГА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР

Режа:


1. Ягона ижтимоий тўлов ва пенсия жамғармасига суғурта бадаллари
2. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар
3. Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси
4. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар


**Таянч иборалар: нафақа, суғурта, бадал, компенсация, кодекс,**

Ўзбекистонда ягона ижтимоий тўлов 2004 йилдан амал қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 305-моддасига биноан ягона ижтимоий тўловни тўловчилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (13.1-чизма):



Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўловчилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (13.2-чизма):






Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунинг билан уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади, бундан суғурта бадаллари тўловчи якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари аъзолари мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 306-моддасига мувофиқ ягона ижтимоий тўлов ва пенсия жамғармасига суғурта бадалларининг солиқ солиши объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (13.3-чизма):

### 13.3-чизма






Ягона ижтимоий тўловни юридик шахслар мустақил равишда белгилаётган солиқ ставкаларидан келиб чиқиб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 308-моддасига мувофиқ ягона ижтимоий тўлов ва пенсия жамғармасига суғурта бадаллари қуйидаги тўловларга солинмайди (13.4-чизма):

13.4-чизма




Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 310-моддасида ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби келтириб ўтилган. Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади (13.5-чизма).



**Ягона ижтимоий тўловнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи яқун билан**  
(Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 310-моддаси)

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига қирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан




йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда

ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда

Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра, суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи яқун билан қуйидаги муддатларда тақдим этилади (13.6-чизма)

**СУҒУРТА БАДАЛЛАРИ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ**  
(Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 310-моддаси)




йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 310-моддаси мувофиқ я  
ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларини тўлаш қуйидаги муддатларда амал  
оширилади (13.7-чизма):

**13.7-чизма**




**Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар**

Пенсия таъминоти тизимидаги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар тўлиқ йиғилишини самарали ташкил қилиш, амалдаги бошқарув тузилмаларини қисқартириш ҳамда пенсиялар ва нафақалар тўлашга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминотини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 444-сонли қарори билан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағ тўплаш ва маблағ тўлиқ тушиши устидан назорат қилиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилди ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар солиқларга тенглаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 312-моддасига асосан қуйидаги юридик шахслар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмани тўловчилари ҳисобланади (13.8-чизма).

**13.8-чизма**



Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, қуйидагилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди (13.9-чизма).




**БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИГА  
МАЖБУРИЙ АЖРАТМАНИ ТЎЛОВЧИЛАРИ  
БЎЛМАЙДИ**  
(Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг  
312-моддаси)



нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно

ягона солиқ тўловини тўловчи юридик шахслар

Солиқ кодексининг 313-моддасига асосан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратманинг объекти ва базаси қуйидагича белгиланади (13.10-чизма):

**13.10-чизма**






Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма ставкалари 2008 йил учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарори билан тасдиқланган. Мазкур қарорга мувофиқ унинг миқдори 1 фоиз қилиб белгиланган.


Солиқ кодексининг 315-моддасига мувофиқ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва ҳисоб-китоблар қуйидаги муддатларда тақдим этилади (13.11-чизма):

**13.11-чизма**



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 315-моддаси мувофиқ Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади (13.12-чизма):

**13.12-чизма**





## Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сонли “Ўзавтойўл давлат акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятни ташкил этиш масалалари тўғрисида” ги қарорига асосан 2003 йил 1 октябрдан бошлаб йўл хўжалигини бошқариш тузилмасидаги Республика, вилоят ва маҳаллий йўл жамғармалари тугатилди ва уларнинг ўрнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика йўл жамғармаси тузилди. Ушбу жамғармага маблағларни йиғиш ва уни назорат қилиш вазифаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси зиммаларига юклатилди.

Солиқ кодексининг 316-моддасига асосан республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (13.13-чизма):

13.13-чизма




Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, қуйидагилар эса Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди (13.14-чизма):


13.14-чизма





Солиқ кодексининг 316-моддасига мувофиқ Республика йўл жамғармаси мажбурий ажратмаларнинг объекти ва базаси куйидагича белгиланади (13.15-чизма):


13.15-чизма






Солиқ кодексининг 319-моддасига мувофиқ Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар солиқ солинадиган базадан ва тасдиқланган ставкада келиб чиққан ҳолда ҳар ойда ҳисоблаб чиқарилади ва ҳисоб-китоблар қуйидаги муддатларда тақдим этилади (13.16-чизма):

**13.16-чизма**



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 319-моддасига мувофиқ Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади (13.17-чизма):

**13.17-чизма**





## Республика йўл жамғармасига мажбурий йиғимлар


Ўзбекистон республикаси солиқ кодексининг 320-моддасига мувофиқ республика йўл жамғармасига йиғимларнинг турлари куйидагилардир (13.18-чизма):

13.18-чизма



Солиқ кодексининг 321-моддасига асосан республика йўл жамғармасига йиғимларни тўловчилари бўлиб куйидагилар ҳисобланади (13.19-чизма):


13.19-чизма






Солиқ кодексининг 322-моддасига асосан республика йўл жамғармасига йиғимларни солиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (13.20-чизма):

**13.20-чизма**




Солиқ кодексининг 323-моддасига асосан республика йўл жамғармасига йиғимларни солиш базаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (13.21-чизма):

**13.21-чизма**




Автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғимни тўлашдан қуйидагилар озод қилинадилар (13.22-чизма):






Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 325-моддасига мувофиқ, автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим улар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида давлат рўйхатидан ўтказилаётганда, қайта рўйхатдан ўтказилаётганда қуйидаги ҳолларда ундирилади (13.23-чизма):

### 13.23-чизма




### Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 10 ноябрдаги Қарорига мувофиқ ефълим муассасаларида барпо этилган моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ва муттасил янгилаб боришни таъминлаш, уларни тизимли асосда энг замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва асбоб-анжомлар билан қайта жиҳозлашни, шунингдек илғор таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация тизимларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш мақсадида бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ташкил этилди. Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўлов давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилган.




Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра, таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашга мажбурий ажратмалар тўловчилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (13.24-чизма):

13.24-чизма



Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашга мажбурий ажратмалар объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (13.25-чизма):

13.25-чизма





2011 йил учун мактаб таълими ривожлантиришга мажбурий ажратма ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 22 декабрдаги ПҚ, 1449-сонли қарори билан 0.5 фоиз миқдорида белгиланган.


Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга мажбурий ажратмалар тўлашдан қуйидагилар озод этилади (13.26-чизма):

**13.26-чизма**



Жамғармага тўланиши лозим бўлган таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга мажбурий ажратмалар суммаси белгиланган мажбурий ажратмаларга тортиш объекти ва ставкасидан келиб чиққан ҳолда тўловчилар томонидан аниқланади. Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоблари рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ўсиб борувчи яқун билан тақдим этилади (13.27-чизма):


**13.27-чизма**





Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашга мажбурий ажратмаларни тўлаш қўйидаги муддатларда амалга оширилади (13.28-чизма).

13.28 -чизма



Ижтимоий жамғармаларга тўловлар ставкасининг 2002-2011 йиллар давомидаги ўзгариш динамикаси 13.1-жадвалда келтирилган:

13.1-жадвал

**Ижтимоий жамғармаларга тўловлар ставкаси динамикаси**

Солиқ ставкалари (фоизда)	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов	40,0	37,2	33	31	25	24	24	24	25	25
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмидан тўлов	0,7	0,7	0,7	0,7	0,7	0,7	1	1	1,5	1,6
Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан мажбурий тўлов	2,5	2,5	2,5	2,5	2,5	2,5	2,5	3,5	4	4,5

13.2-жадвал орқали ягона ижтимоий тўлов ставкасидаги йиллар давомидаги ўзгаришларни кўриб олиш мумкин:

13.2-жадвал

**Ягона ижтимоий тўлов ставкаси динамикаси**

Солиқ ставкалари (фоизда)	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
<b>Асосий ставка</b>	<b>40,0</b>	<b>37,2</b>	<b>33</b>	<b>31</b>	<b>25</b>	<b>24</b>	<b>24</b>	<b>24</b>	<b>25</b>	<b>25</b>
-бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	37,3	35	31,6	30	24,2	23,5	23,5	23,6	24,8	24,8
-Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	1,5	1,5	0,9	0,5	0,5	0,3	0,3	0,2	0,1	0,1
-Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши	1,2	0,7	0,5	0,5	0,3	0,2	0,2	0,2	0,1	0,1



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

### I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003.- 32 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: Адолат, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги қонуни //Халқ сўзи, 29 август 1997 й.

### II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1449-сонли қарори (2010 йил 24 декабр).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 14 июндаги ПФ 3618 сонли Фармони.
6. Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2005 й. ПФ-3620-сон Фармони
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги қарори." Халқ сўзи"газетаси 15.06.2005 й.

### III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

8. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиз. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
9. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. –Т.:Ўзбекистон, 2010 йил 12 ноябрь.
10. Каримов И. А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб,янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи. 2006 й.11-феврал. 2 б.
11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.-Т.: Ўзбекистон,2005-92 б.

### IV. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлари.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1109-сон билан рўйхатга олинган, Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома 13.03.2002.
13. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1238-сон билан рўйхатга олинган, Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома 29.04.2003.
14. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1325-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома 15.03.2004.
15. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1101-сон билан рўйхатга олинган, Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома 05.03.2002.



16. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида №1107 сон билан рўйхатга олинган, Юридик шахсларнинг мол- мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш тўғрисида бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома 11.03.2002.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1102-сон билан рўйхатга олинган, Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ишлаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома 05.03.2002.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1118- сони билан рўйхатга олинган, Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома 27.03.2002.

19. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1098-сон билан рўйхатга олинган, Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома 15.02.2002 .

20. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1097-сон билан рўйхатга олинган, Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома 15.02.2002.

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1501-сон билан рўйхатга олинган , Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тўғрисида Низом., 02.08.2005.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14 августдаги 286-сонли буйруғи 1-иловаси.

**V. Дарсликлар**

23. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти.- Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. -247 б

24. Юткина.Г.Ф. Налоги и налогообложения. Учебник-М: ИНФРА-М, 2001-429 с.

25. Черник.Д.Г. Налоги. Учебник для вузов.- М.: Финансы и статистика. 1998

**VI. Ўқув қўлланмалар**

26. Жўраев А., Тошматов Ш., Абдурахмонов О. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. Т.: Норма. 2009. 183-б.

27. Тўлаков У., Маҳмудов О. Солиққа тортиш асослари. Ўқув қўлланма. Т.: Тафаккур. 2011 й.

28. Гончаренко Л.И. Практикум по налогам и налогообложению -М: КноРус , 2006.,188 с.

29. Морозова Л. Л. Налог на прибыль организаций: Анализ типичных налоговых ошибок -М: Актив , 2006., 213 с.

30. Кузьмин Г.В. Земельный налог: Особенности исчисления и уплаты -М: Вершина , 2006., 203 с.

31. Кочергов Д.С., Устинова Е.Е. Упрощенная система налогообложения-М: Омега , 2006., 317 с.

32. Курбангалеева О.А. Учет расчетов по налогу на прибыль -М: Гросс Медиа , 2006., 210 с.

33. Красноперова О.А. Особенности исчисления и уплаты налога на прибыль организаций. -М: Гросс Медиа , 2006., 222 с.


34. Завалишина. И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт : -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2005.-544-б.

35. Тошматов Ш.А., Комилов М.М. Қўшилган қиймат солиғи. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2004.-184 б.

**VII. Илмий монографиялар, мақолалар ва бошқа асарлар.**

36. Алимардонов М.И. Солиқ тизимини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсири. Монография.- Т.: ТМИ.2003.- 223 б.

37. Бувсара Тошмуродова Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми Монография,Т.: Янги аср авлоди ,2002.



Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари Монография. Т.: Академия 2002. -203 б.

- 39. Жўраев Т. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўлида. Халқ сўзи газетаси, 2003 йил 20 сентябрь.
- 40. Масленикова А. А. Налог на добавленную стоимость. Правовая и экономическая сухость. Журнал Финансы, 2005. №1
- 41. Холиков К.О., Холиков Б.О. Молия фанидан курс ишларини расмийлаштириш. Услубий қўлланма. Термиз – 2011 й.

**VIII. Докторлик ва номзодлик диссертациялар**

- 42. Ташмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизмини такомиллаштириш. и.ф.н. диссертация .-Т.:,2002.
- 43. Умаров Б.С. Корхоналар мол-мулкани солиққа тортиш механизмидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Номзодлик диссертация иши.-Т.: БМА, 2002.
- 44. Жалолов И. Э. Совершенствование косвенного налогообложения: диссертации на соискание ученой степени к.э.н.- Т.:БФА 2001.

**IX. Илмий – амалий анжуманлар маърузулари тўплами**

- 45. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бюджет-солиқ тизимининг долзарб масалалари. Республика илмий амалий анжумани материаллари. Т.:ТДИУ. 2005. 14-15- декабрь.

**X. Газета ва журналлар**

- 46. «Солиқлар ва божхона хабарлари» молиявий иқтисодий газетаси
- 47. «Бозор, пул ва кредит» журнали
- 48. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали

**XI. Статистик маълумотлар тўплами**

- 49. «Ўзбекистон Иқтисодиёти» статистик маълумотлар тўплами. Т.: 2005 йил.
- 50. «Ўзбекистон Иқтисодиёти» статистик маълумотлар тўплами. Т.: 2004 йил
- 51. Ўзбекистоннинг 2004 йилдаги ижтимоий – иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари.-Т.: Ўзбекистон,2005.- 212 б.

**XII. Интернет сайтлари**

- 52. <http://www.gov.uz>
- 53. <http://www1.parliament.gov.uz>
- 54. <http://www.edu.uz>
- 55. <http://www.tsue.uz>
- 56. <http://www.nalog.ru>
- 57. <http://www.soliq.uz>
- 58. <http://www.mf.uz>

**XIII. Виртуал кутубхона электрон дарсликлари ва ўқув қўлланмалари**

- 59. Юсупов. О. А. Юридик шахсларни солиққа тортиш электрон дарслик ТДИУ кутубхонаси 2006 й
- 66. Алимарданов М.И. Тўхсанов Қ .Н. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанидан электрон дарслик.– Т.: ТДИУ, 2005.
- 67. Зайниддинов М., Агзамов А. “Жисмоний шахсларни шахсларни солиққа тортиш” фанидан электрон дарслик. –Т.: ТДИУ, 2005.
- 68. "Norma" АХТ экспертлари томонидан тайёрланган тушунтиришлар



## МУНДАРИЖА:

К И Р И Ш.....	3
I. ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР .....	5
II. РЕФЕРАТ ТАЙЁРЛАШ .....	6
3.1. Мустақил иш (реферат) мавзуларини танлаш .....	6
3.2. Мустақил иш (реферат)нинг таркибий тузилиши.....	6
3.3. Мустақил иш (реферат)ларни расмийлаштириш.....	7
3.4. Мустақил ишда фойдаланилган адабиётлар рўйхатини расмийлаштириш тартиби .....	8
3.5. Мустақил иш ҳимояси.....	8
IV. КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАР ТАЙЁРЛАШ .....	9
V. МАВЗУ БЎЙИЧА ТЕСТЛАР, МУНОЗАРАЛИ САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР ТАЙЁРЛАШ.....	9
VI. ИЛМИЙ МАҚОЛА, ТЕЗИСЛАР ВА МАЪРУЗАЛАР ТАЙЁРЛАШ.....	9
VII. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИНИ БАҲОЛАШ.....	9
VIII. МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА НАМУНАВИЙ МАВЗУЛАР ВА ШАКЛЛАР .....	11
IX. “СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ” ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР .....	21
1-МАВЗУ: “СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ .....	21
2-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ТИЗИМИ ВА СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА МАЖБУРИЯТЛАРИ .....	29
2-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ТИЗИМИ ВА СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА МАЖБУРИЯТЛАРИ .....	30
3-МАВЗУ: ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИ .....	36
4-МАВЗУ: ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ..	44
5-МАВЗУ: ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ.....	58
6-МАВЗУ: АКЦИЗ СОЛИҒИ .....	65
7-МАВЗУ: ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЧУН СОЛИҚЛАР ВА МАХСУС ТЎЛОВЛАР .....	73
8-МАВЗУ: СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ.....	76
9-МАВЗУ: ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ.....	80
10-МАВЗУ: ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ.....	91
11-МАВЗУ: СОЛИҚ СОЛИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИ .....	98
11-МАВЗУ: СОЛИҚ СОЛИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИ .....	98
12-МАВЗУ: МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР .....	113
13-МАВЗУ: ИЖТИМОЙ ЖАМҒАРМАЛАРГА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР ....	123
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:.....	140



Тўлақов У.Т., Холиқов К.О.

**Солиқлар ва солиққа тортиш фанидан**  
**мустақил ишларни ташкил этиш**  
*(услугий қўлланма)*

Услугий қўлланма Термиз давлат университети Ўқув-услугий Кенгашининг  
2011 йил \_\_\_\_ ноябрдаги йиғилиши баёнининг \_\_\_\_-сонли қарори билан чоп  
этишга тавсия этилган.

Мухаррир:

Ў.Холиёров

Мусахҳиҳ:

Б.Холиқов